БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 116. (2149). | 13 июнь, чоршанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СЎЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚИШ — МАРДНИНГ ИШИ

Коммунистик мўл-кўлчилик яратайлик, Ватанга тобора кўп гўшт, сут, ёғ, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берайлик! Халқимиз яна ҳам фаровон яшасин, мамлакатимиз янада қудратли, обод бўлсин! Коммунизм қуришга аҳд қилган ҳар бир совет кишисининг аҳду-паймони бу! Моддий бойликлар яратиб элни кийинтираётган, едираётган, мамлакатимиз экономикасини юксалтираётган ишчи ва ҳорвадорнинг, пахтакор ва олимнинг, механизатор ва врачнинг, ҳуллас ҳар бир меҳнат аҳлининг истаги, умиди бу!

XXII съезд ва март Пленуми қарорларида. Партия ва Ҳукуматимизнинг меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатида қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришнинг кенг истиқболлари, конкрет йўллари белгилаб берилди. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, колхозчилар моддий ва маданий фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрликларига жавобан юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, бу йил пахтадан юқори ҳосил кўтариш, чорвачилик маҳсулдорлигини тинмай ошириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошираяптилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «III Интернационал», «Ўзбекистон», «Правда», Свердлов номли колхозларнинг аъзолари давлатга пахта етказиб бериш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. «Политотдел» колхози 45 центнер, «III Интернационал» колхози 30 центнер, «Ўзбекистон» колхози 33 центнер, «Правда» колхози 40 центнер, Свердлов номли колхоз 35 центнердан «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Шунингдек, Чирноз район пахтакорлари ҳам ўз имкониятларини қайтадан кўриб чиқиб бу йил район бўйича 26 центнердан пахта топширишга қарор қилдилар. Бўка районидаги «Ленинизм», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа хўжаликлар ҳам ўз зиммаларига юксак оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Чорвадорларимиз ҳам ўз пахтакор дўстларидан қолишмаяптилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан чорва маҳсулотларига бўлган харид нархларининг оширилганлиги чорвадорлар моддий фаровонлигини оширади, чорвачиликни янада юксалтиришга, унинг маҳсулдорлигини кўпайтири ш г а олиб келади. Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозни мисолга олиб кўрайлик. Бу чорвадор хўжалик харид нархларининг оширилганлиги натижасида давлатга сотиладиган ҳар бир центнер гўшт эвазига бу йил ўртача ҳисобда 22 сўм 68 тийин дан, дастлабки ҳисобларга кўра жами 30 минг сўмдан ортиқ қўшимча даромад қилади. Шунинг учун ҳам колхоз чорвадорлари партия ва ҳукуматимиз ғамхўрликларига жавобан бу йил давлатга пландан ташқари 735 центнер гўшт, 700 центнер сут, 38 минг дона тухум сотишга аҳд қилдилар. Ватанпарварлик кўрсатиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олаётган бундай хўжаликлар областимизда ўнлаб-юзлаб топилади. Тошкент область партия комитети бу ватанпарварлик ташаббусларни тўла қўллаб-қувватламоқда, меҳнаткашлар оммасини зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашга сафарбар этмоқда.

Район партия комитетлари, обкомнинг партия ташкилотчилари, территориал бошқармалар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг вазифаси илғорларнинг ана шу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани ҳамма жойда авж олдириб юборишдан иборат.

Ҳосилнинг тақдири ҳал бўладиган қизғин дамлар келди. Саратон бошланди. Кўчатни юз минг қилиб бутлаб олган деҳқон энди парваришга зўр бермоқда. Бундай хўжаликларда ғўзалар бир текис соғлом бўлиб ривожланмоқда, мўл ҳосилдан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам улар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, юксак социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш, жонкуярлик билан ишлаш — мўл ҳосилнинг гарови, берилган ваъданинг устидан чиқишнинг асосий шарти. Аммо ўз устларига мажбурият олиб, катта ваъдалар бериб ғўза парваришининг ҳозирги ҳал қилувчи дамларида ишни бўшаштириб юборган айрим районлар, колхоз ва совхозлар ҳам бор. Сувсизликдан чанқаб ётган ғўзалар, ўт, хашорат босиб кетган далалар бундай беparво ваъдабозларни афтидал ташвишга солмаётганга ўхшайди.

Ваъда бердингми — уни устидан чиқ! Сўзида турган деҳқон — мард деҳқондир. Сўзининг устидан чиқмаган номард! Ваъда бериб қўйиб, уни бажармасанг, номинг ваъдабозга, ёлғончига чиқиб кетади. Эл-юрт олдида обрў эътиборинг қолмайди, шарманда бўласан! Масалан, Чиноз районидаги Энгельс номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхозларда тўла гектар учун курашилмаётир, суғориш сифатсиз ўтказилаяпти. Меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Айрим бригадаларда ғўзани ўт босиб ётибди. Бу аҳвол колхоз раҳбарларини ошгина бўлса ҳам ташвишлантирмаётир. Оққўрғон районидаги «XXII партсъезд» колхозида ҳам аҳвол бундан қолишмайди. Колхозда ҳатто ягана қилинмаган карталар бор. Дала ишларининг унуми ҳам, сифати ҳам паст. Мавжуд техникадан унумли фойдаланилмаётир. Шунингдек, Гулистон, Комсомол районларидаги кўпгина хўжаликларда аҳвол кўнгилдагидек эмас.

Бу йил областимиз бўйича Ватанга 503 минг тонна «оқ олтин» берамиз деб ваъда қилганмиз. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ваъданинг устидан чиқиш учун жон қуйдириб фидокорона меҳнат қилиш керак. Бунинг учун ҳар гектар ерда камида юз минг туп кўчат бўлишига эришайлик! Кўчатларнинг бут ва соғлом ўсишини таъмин этайлик! Вақтида сув, озуқа берайлик, бегона ўтлардан, хашаротлардан далани тозалайлик! Саратон суви — ғўза томирига қон. Мўл ҳосилга умид боғлаган, уста, миришкор деҳқонлар ғўзани саратон сувига қондириб меёрига етказиб суғоради. Июнь ойининг ҳар бир соати, кунидан унумли фойдаланайлик. Юрагида ўти бор, тани-жони соғ бўлган ҳар бир кишининг жойи далада! Ишни шундай ташкил этайликки, далага чиқмаган бирорта ҳам киши қолмасин. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилайлик. Далада ишловчилар учун маданий-маиший шароит яратиб берайлик! Дала шийпонлари, болалар боғча ва яслилари шай бўлсин! Далада ишловчилар учун иссиқ овқат, чой вақтида ташкил этилсин. Партия ташкилотлари колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчилари ўртасида сиёсий-агитация ишларини қизитиб юборишлари, уларни ижодий ташаббуси ва ғайратларини партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорларини, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишлари лозим.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИДА

1962 йил 8—9 июнда Москва шаҳрида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги мамлакатлар вакиллари кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлис ишида Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ С. Тодоров, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Апро, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси ўртоқ К. Мевис, Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Н. Жангварал, Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ П. Ярошевич, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. Бирлэдяну, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ В. Новиков, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Раисининг ўринбосари ўртоқ О. Шимунек қатнашдилар.

Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг 1962 йил 6—7 июнда бўлиб ўтган кенгаши қарорини ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XVI сессиясининг қарорларини бажаришга қаратилган биринчи навбатдаги тадбирлар қараб чиқилди.

БРАЗИЛИЯ ЭЛЧИСИ В. Т. ЛЕЙТАОДА КУНЬЯ Н. С. ХРУШЧЕВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 11 июнда Кремлда Бразилия Қўшма Штатлари Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси В. Т. Лейтао да Куньяни қабул қилди. В. Т. Лейтао да Кунья Бразилия президенти Жоао Гулартнинг мактубини топширди.

Н. С. Хрушчев билан В. Т. Лейтао да Кунья ўртасида дўстона суҳбат бўлди. Бу суҳбатда СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Латин Америкаси мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Базикин ҳозир бўлдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ ИТАЛИЯ «ФИАТ» КОНЦЕРНИ ПРЕЗИДЕНТИ В. ВАЛЕТТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 11 июнда Кремлда СССР Министрлар Совети илмий тадқиқот ишлари координация давлат комитетининг таклифига мувофиқ, Москвада меҳмон бўлиб турган Италия «Фиат» концерни президенти профессор Виторие Валеттани қабул қилди ва у билан самимий, дўстона суҳбатлашди.

Областимиз чорвадорларининг муваффақияти

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча совет халқига қарата чиқарган Мурожаатидан руҳланган областимиз чорвадорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар.

Область бўйича ярим йиллик жун тайёрлаш ва харид қилиш плани муддатидан илгари 12 июнда 100,1 процент қилиб бажарилди. Пландаги 8650 центнер ўрнига 8657 центнер жун харид қилинди.

Бўстонлиқ районн ярим йиллик планни муддатидан илгари 154,4, Янгиер районн 125,3, Оҳангарон районн 120,3, Юқорн Чирчиқ районн 111,2, Гулистон районн 110,1 процент қилиб бажарди.

ҒЎЗАНИ МЕҲР БИЛАН ПАРВАРИШ ҚИЛИБ, ТЕКИС ШОНАЛАТИБ ОЛАЙЛИК!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

ҲАКИМПОЛВОН БИЛАН БЕЛЛАШГАНЛАР

Ўртоқ Камол ЗИЁВУТДИНОВ.

Камол ака қўзини очганда ишком орасидан тунги юлдузлар милтиллаб кўринарди. Майин эсаётган ёз шабадаси унинг юзини оҳиста силаб ўтарди. Ариқ лабидаги улкан толнинг барглари сеҳрли шивирларди. Оқаётган сувнинг шилдираши Камол аканинг қалбини қитиқларди... Ҳа, Камол аканинг уйқуси қочди. Ў ўрнидан турди-ю, қадрдон даласи томон йўл олди.

Камол ака фонарь турган жойга етиб келганда нариги томонидан ёрғуликни кўрди. Бу Ўроз ака-нинг фонари эди. Камол ака фонарь томон йўл олди. Ҳамма эгатларга бир меёрда таралган сув жилдираб оқаяпти. Танасига «қон» югурган кўчатлар бўй чўзаяпти.

Камол ака фонарь турган жойга етиб келганда Ўроз Назиров бош қулоқни беркитиб сувни кечқурун тайёрлаб қўйилган қулоққа ағдарган эди.

— Ҳорманг сувчи.

— Э, саломат бўлинг. Бу, дейман қушдан ҳам зийраксиз-да? Дам олдингизми, ёки...

— Э, биродар ҳосилнинг тақдири ҳал бўладиган ғанимат бир пайтда дам олиш эсга келармиди!

— Ҳа, гапингиз тўғри, ҳозир деҳқон қушлардан ҳам эрта уйғонадиган пайт. Ҳозир ғайрат қилсак, кузда баракали хирмон кўтарамиз. Ишласак ўзимиз учун ишлаймиз.

— Ҳамма гап ана шундада, — деди бригадир. — Партиямиз ҳам деҳқонлар кўпроқ маҳсулот етиштирсинлар, уларнинг ҳаёти янада гуллаб-яшнасин деб бекорга айтмаяпти. Мана бир мисол. Ўтган йили бригадамиз аъзолари ҳалол меҳнатлари туфайли фақат пахтанинг ўзидан 100 минг сўм даромад қилди. Шу пуллар қаёққа кетди дейсизми? Сизга, менга, шу ерда ишлаётганларга берилди. Узоққа бормайлик. Бир ўзингиз ўтган хўжалик йилида қанча пул олдингиз?

— 2 минг сўмдан ошиқроқ.

— Ана кўрдингизми. Бу ҳар ойга 166 сўмдан тўғри келади. Бу ўтган йилдаги мисол. Ҳозирчи. Мана ўтган 15 кунликда тракторчимиз Мусажон 119 сўм пул олди.

— Эшитдим, отасига раҳмат, қўли дард кўрмасин.

— Мусажон билан Абдуғани иккаласи, — давом этди бригадир, — 123 гектар ерга чигит экишди, мана учинчи ишлов беришни тугаллай деб қўйишди. Кўчатларни тўйдириб озиқлантираётганлар ҳам шулар.

— Ҳозир ишимиз механизация билан бўлиб қолди. Камол ака. Унинг қадрига етмаган деҳқон, дол қолади, деяверинг.

— Ҳа, шундай. Бу йилги мўлжалимиз — 150 минг сўм даромад қилиш. Ана шунга қараб меҳнат қилишимиз керак. Ўроз ака фонарни кўтарди. Янги сув очилган ўқариқ бўйлаб юриб кетди. Камол ака у билан ёнма-ён борар экан гап қотди.

— Кечқурун сув таралган эгатлар қониб ичдими?

— Ҳа, кўнгилдагидек, мўлжалдан икки ярим соат тез бўлдик. Калта эгат олиб суғоришда ҳосият катта экан. Мана шу эгатларга бошдан-оёқ сув тараганимизда бош томон сувга чақилиб қоларди, этаги эса қонмасди. Бунинг устига этак томон меёридан ўтиб кетса, бош томон культивацияга етилмасди. Ҳозирчи, сувни тежаб қолаяпмиз.

— Ҳа, ишни асло бўшаштириш керак эмас. Мен Ҳакимполвон аканинг бригадасида бўлдим. Уларнинг ишига кишининг ҳаваси келади. Деҳқон деган ўшанақа бўлса-да. Очиқ айтишим керак. Бизнинг кўчатларимиз ҳам уларникидан қолишмайди. Сизларга ишониб Ҳаким акага қўл бердим, беллашамиз дедим...

Улар енг шимариб янги эгатларга сувни тақсимлай бошлашди. Шу пайт шийпон ёнида турган агрегат моторининг гуруллаган овози дала бўйлаб таралиб кетди. Қиз-жувонларнинг шўх яллаларини тонгги еллар узоқ-узоқларга элтди. Аста тонг ёришиб, тоғ ўрқачи гира-шира кўрина бошлаганда жўякларга сувни тараб ҳам бўлишди. Шу пайт Абдуғани Оҳунов бошлиқ 2-группа сувчилар етиб келишди.

— Мана сувчилар ҳам жамул-жам бўлишди. Қаҳрамоннинг даласида бўлган гапнинг давомини айтингчи, — қистаб қолди. Ўрозбой ака.

— Мен Ҳаким акага пландаги 27,5 ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз деб ваъда бердим.

— Жуда яхши қилибсиз. Сўзингизни амалда қувватлаймиз, — сўзга қўшилди Абдуғани Оҳунов, — механизаторларимиз, барака топкурлар, ҳалол ишлаяпти. Кеча ҳисоблаб чиқдик. 105—110 минг туп кўчатимиз бор. Энди ишнинг бўёғи бизга боғлиқ. Ҳозиргидай иш олиб борсак, 123 гектар ерни 10 кунда сувдан чиқарар эканмиз. Шу сувдан кейин кўчатимиз текис гулга киради. Ҳозир экин кечасию-кундузи амал оладиган пайт. Ана шунга қараб ишлашимиз керак.

— Қаранглар, Ҳакимполвон ака билан еримиз туташ, Абдуғани аканинг сўзини бўлди бригадир, — улар 50 центнерга етказиб ҳосил олишса-ю, биз улардан 8—10 центнердан кам ҳосил кўтарсак. Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Бачча еримизга чигитни сифатли экиб, текис ундириб олардик. Яхши ишлов ҳам берардик. Озиқлантиришни эса канда қилмасдик. Фақат сувга етарли эътибор бермасдик. Ғўзамизни ё чанқатиб сув берардик, ёки пала-партиш сув тарардик. Баъзибир жойларимиз шонасини ташлаб юборарди. Натижада маълум миқдордаги ҳосилдан маҳрум бўлардик. Шунинг учун механизаторларимиз ёнилғини тежаш, кўчатнинг тўла бўлиши учун жавобгар бўлсалар, сизлар сувдан унумли фойдаланиш ҳамда ҳар битта шонани сақлаб қолиб, уни гулга, гулни эса кўсакка айлантириш учун жавоб берасиз. Ҳуллас, бригадамизнинг ҳар бир аъзосининг диққат-эътибори граммлардан тонналар ҳосил қилишга қаратилиши керак.

Кечагина биз Камол Зиёвутдинов бошлиқ бригада даласида бўлдик. Икки агрегат яшил квадратлар орасига бетўхтов ишлов бериб турибди. 9 миришкор сувчи эса эгатларга жилдиратиб сув тараяпти. Бригаданинг қолган деҳқонлари ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилаяптилар. Гижигон водисида деҳқончилик қилаётган азаматларнинг бу йилги ҳимматлари катта. 123 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» кўтариб, коммунизм қуришдек умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқчилар.

С. ШОКАРИМОВ.
Пискент районидаги Хрушчев номли колхоз.

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг Беркин Ёрқулов билан Назиркул Бўрибоев бошлиқ мусобақадош бригадаси аъзолари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Мана, Беркин ака бригадасининг даласи. Иш қизғин. Сифатли парвариш қилинган ғўзалар тез ривожланиб бирин-кетин шоналамоқда. Ғўзалар иккинчи марта озиқлантирилаётир. Шунинг учун ҳам бу бригадада ҳосил ҳар йили гектарига 2—3 центнердан ошаяпти. Бригада сувчилари ғўзани аввалаб қондириб суғормоқдалар. Сувчилардан Новрўз Бобомуродов, Мелибой Қулиев, Салоҳиддин Заншеров ўртоқлар пайкалларга сув тараб топшириқни яхши бажараётирлар.

Мусобақадош Назиркул Бўрибоев бригадаси аъзоларининг иши ҳам чакки эмас. Озиқлантирилиб, сувдан чиқарилган ғўзалар яхши ўсяпти. 50 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнер учун курашаётган бригада аъзолари фурсатни ғанимат билиб, ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар. Мўл ҳосил учун беллашаётган ҳар икки бригада илғорликни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Т. ИМОМОВ.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Область партия ходимларининг кенгаши

Илгари хабар берилганидек, 11 июнда область партия ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон КП область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдурэззоқов** «КПСС XXII съезди қарорлари асосида партиявий-ташкилий ишларни янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг аҳволи ва бу соҳадаги чоралар ҳақида» доклад қилди.

КПСС XXII съезди, деди докладчи, совет халқи олдига коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программасини қўйди. Съезднинг қарорлари ва партия Программаси бизнинг истиқбол йўлимизни ёрқин машъалдек ёритиб турибди. Бироқ коммунизм ўз-ўзидан қурилмайди, у миллионларнинг ижодий меҳнати билан барпо қилинади.

Область меҳнаткашлари олдида бу йил қандай конкрет вазифалар турибди?

Область машинасозлари пахтачиликни комплекс механизациялаш учун тобора кўпроқ машиналар ишлаб чиқаришлари зарур. Пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш шу йилнинг ўзида 6 мингтага етказилмоғи керак. Аниқ миқдорда чигит экадиган сеялкалар, янги кўрак териш машиналари, ғўзани чеканка қиладиган мосламалар, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун ишлатиладиган прицеплар ва бошқа машиналарни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш планлаштирилган.

Саноат ходимлари йиллик планни 26 декабрда бажариш ҳамда пландан ташқари камида бирнеча миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни 8 процент ошириб бажариш мажбуриятини олганлар.

Капитал маблағлар ҳажми бу йил ўтган йилдагига нисбатан 36,7 миллион сўм кўпайди, шу жумладан уй-жой қурилиши учун 1962 йили 50,4 миллион сўм, ёки 1961 йилдагига қараганда 3,5 миллион сўм кўп маблағ сарфлаш назарда тутилади.

Тошкент области, дейди сўнгра ўртоқ Абдураззоқов, мамлакатнинг йирик саноат марказларидан биридир. Шу билан бир қаторда бизнинг областимиз муҳим қишлоқ хўжалик райони ҳамдир.

Бу йил областимиз меҳнаткашлари камида 503 минг тонна пахта, 230 минг тонна каноп пояси, 1260 тонна пилла, 31 минг тонна гўшт, 215 минг тонна сут, 550 минг тонна сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириш мажбуриятини олганлар.

Шуни яхши эсда тутмоқ лозимки, планлар ҳамда мажбуриятлар омма орасида олиб бориладиган жиддий ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишлар билан мустаҳкамланганлигина реал ҳақиқатга айланади. Ишнинг муваффақияти ташкилотчилик ишининг савиясига, партия раҳбарлигининг иш услуби ҳамда методларига боғлиқдир.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга партиявий-ташкилий ҳамда сиёсий ишларнинг янги, янада юксакроқ савияси мувофиқ келиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг, унинг Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Президиумининг фаолияти биз учун партиявий иш соҳасида ишлашнинг намунасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съезди ўз ишини тугатиши билан оқ дарҳол Тошкентга келди ва пахтакор республикалар ходимларининг зонал кенгашида қатнашди. У жуда кўп колхозларда, совхозларда, илмий-текшириш муассасаларида бўлди, пахтачиликдаги ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ишнинг аҳволи билан муфассал танишиб чиқди, кўпгина қимматли маслаҳатлар берди, мавжуд резервларни ҳамда бу резервлардан максимал даражада фойдаланишнинг йўл-йўриқларини кўрсатди, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган камчиликларни танқид қилди, бу камчиликларни қандай қилиб тугатиш кераклигини кўрсатди.

Ўртоқ Хрушчев Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда сўзлаган нутқида Ўзбекистон меҳнаткашлари ва бошқа қардош республикаларнинг пахтакорлари олдига конкрет вазифалар қўйди.

Н. С. Хрушчевнинг Тошкент областида бўлганлиги бизнинг кадрларимиз учун катта мактаб — оммага таянабилиш ҳамда амалий вазифаларни дадил ҳал қилишнинг чинакам университети бўлди.

Биз шуни яхши тушунамизки, коммунизм қурилишининг амалий вазифаларини ҳал қилишда, ташкилотчилик ишларини кучайтиришда ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Область партия комитетининг, шунингдек кўпгина шаҳар ва район партия комитетларининг ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилган эди. Бу камчиликлар марказий партия матбуотида ҳамда партия органлари ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида танқид қилинди, область партия комитетининг, айрим шаҳар ва район партия комитетларининг ишларида раҳбарликнинг расмиятчилик-бюрократик методлари тўла тугатилмаганлигини бизга ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтдилар. Қишлоқ ва ўтказилган мажлисларга ишониш, ижроннинг бажарилишини етарли даражада текширмаслик, жойларда ташкилотчилик ишларининг суст олиб борилганлиги — ишдаги жиддий камчиликларнинг сабаблари ана шулардир.

Сўнгра докладчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область партия ташкилотига катта, зарур ёрдам кўрсатаётганлиги ҳақида гапиради. Шуни кўрсатиб ўтиш лифояки, Марказий Комитет кейинги вақтларда областдаги партиявий ва хўжалик ишларини яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилди.

Кадрларни танлаш ва тарбиялаш бутун ишимизнинг асосий масаласидир. Область партия ташкилоти кейинги вақтларда бу соҳада маълум ишларни амалга оширди, халқ хўжалигининг энг муҳим участкаларини яхши тайёргарлик кўрган малакали ходимлар билан мустаҳкамлади.

Партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини бошқариш юзасидан янгидан ташкил қилинган органларни кадрлар билан тўлдириш соҳасида катта ишлар қилдилар. Вазифа — ана шу органларнинг ишини бундан бўён ҳам диққат билан кузатиш, уларни қобилиятли, ўз ишини яхши биладиган ходимлар билан мустаҳкамлаб боришдан иборатдир.

Партия комитетлари хотин-қизлар ўртасида ишларни бирмунча яхшиладилар, уларни раҳбар партия ва совет ишларига тобора кўпроқ тайинлайдиган бўлиб қолдилар. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари бўлган хотин-қизларнинг сони янада ортди.

Область партия ташкилотлари саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи ҳамда масъулиятли участкаларини мутахассислар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кадрларни моҳирлик билан танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Янгиер, Оржоникидзе ва бошқа айрим район партия комитетлари катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг фаолиятида кадрлар билан ишлаш соҳасидаги жиддий камчиликлар ҳали тўла тугатилган эмас. Шу сабабли бир қанча районларда, айрим саноат корхоналари, айрим колхоз ҳамда совхозларда бой резервлардан ёмон фойдаланилмоқда, улар ўз мажбуриятларинигина эмас, ҳатто давлат планларини ҳам бажармаётирлар.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг, корхона ёки қурилишнинг қолоқлик сабабларини диққат билан ўрганиб чиқиш лозим. Даставвал ана шу қолоқ корхона ёки хўжаликка ким бошчилик қилаётганлигига эътибор бериш зарур.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент шаҳри 41-Тўқимачилик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Э. Юсуповни чақириб олиш масаласини овозга қўйиш тўғрисида

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, шунингдек Тошкент тўқимачилик институти ўқитувчилари ва хизматчилари умумий йиғилишларининг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказган 41-Тўқимачилик сайлов округидан депутат **Эргаш Юсуповни** чақириб олиш тўғрисида масала кўтарганликлари муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасига асосан Тошкент шаҳри 41-Тўқимачилик сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Эргаш **Юсуповни** чақириб олиш тўғрисидаги масалани овозга қўйиш 1962 йил 27—28 июнга белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. САҲИБОЕВ

1962 йил, 12 июнь.
Тошкент шаҳри.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Колхоз раислари, совхозларнинг, корхона ва қурилишларнинг директорлари орасида чаласавод, ҳаётдан орқада қолаётган, илғор тажрибаларга бепарво қарайдиган кишилар ҳали ҳам учраб туради. Бундай кадрларнинг хўжаликка раҳбарлик қилиши кун сайин оғирлашиб бораяпти. Улар катта хатоликларга йўл қўймоқдалар, ишни барбод қилмоқдалар. Бунинг сабаби тушунарлидир.

Бизда яхши кадрлар етишмайди, дейиш тўғри эмас. Гап шундаки, биз кўпинча қобилиятли ташкилотчиларни ва мутахассисларни сезмай қоламиз, уларни юқори лавозимларга кўтаришда ортиқ даражада эҳтиёткорлик қиламиз.

Шу нарса равшанки, қолоқ колхоз ёки совхозга омма ўртасида ҳурмат қозонган яхши ташкилотчи раҳбар қилиб қўйилса ва унга кун сайин ва айниқса дастлабки вақтларда ёрдам бериб турилса, иш жуда жўнашиб кетиши турган гап. Мисол учун Чиноз районидаги «Коммунизм» колхозини олиб кўрайлик. Бу хўжалик ўн йил мобайнида пахта тайёрлаш планини бажармай келарди, унинг қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича кўрсаткичлари ҳам жуда паст эди. Илгариги хўжалик раҳбарининг ёш мутахассис Ўртоқ Мирахмедов билан алмаштирилиши биланоқ бир ярим йилга етар-етмас вақт ичида бу хўжалик таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш планини бажариб, гектаридан 20,3 центнердан ҳосил олди. 1960 йилда эса гектаридан 11,3 центнер ҳосил олинган эди, холос. Бу йил колхозда гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш йўлида олиб борилаётган курашимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрларга — бригада бошлиқлари ва ферма мудирларининг ишбилармонлигига боғлиқ. Кейинги вақтда бундай кадрлар состави анча яхшиланди. Бироқ шуни айтиш керакки, бригадирларнинг фақат олти процанти ва ферма мудирларининг 14 процентигина ўрта қишлоқ хўжалик маълумотига эга. Қишлоқда жуда кўп мутахассислар ва ташкилотчи кадрлар бор бўлган ҳозирги шароитда бу ҳали талабга жавоб бермайди, албатта. Ҳамма гап шундаки, қишлоқдаги ана шу мутахассисларнинг кўпчилиги далада ва чорвачилик фермаларида эмас, ҳар хил муассасаларда ва идораларда ишлайдилар.

Янгийўл районидаги колхоз ва совхозларда олий ва ўрта техника маълумотига эга бўлган 78 қишлоқ хўжалик мутахассиси ишлайди. Район бўйича эса деярли 250 мутахассис бор. Пискент районидаги колхоз ва совхозларда ҳам мутахассислар кам, лекин район марказидан уларни ҳоҳлаганча топишингиз мумкин. Агроном Умарали Ҳайдаров район коммунал хўжалик бўлимида ишга жойлашиб олибди, агроном У. Мусаев эса райпода дўконга мудирлик қилади, қишлоқ хўжалиги бўйича экономист Турғун Абдукаримов эса магазин мудирлиги вазифасида ишламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни айтиш керакки, кўпгина партия комитетлари ва колхозларнинг раҳбарлари мутахассисларга етарли эътибор бермаётир, уларга зарур моддий-маиший шароит яратилмайди. Бу камчиликни кўплашиб туриб йўқотишимиз керак.

Менинг бу гапларимдан ҳозирги пайтда барча тажрибакор кишиларни ишдан олиб, уларнинг ўрнига мутахассисларни тайинлаш керак, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Бундай қилиш мумкин эмас ва ноўғри бўлур эди. Чунки, тажрибали кишилар, гарчан махсус маълумотга эга бўлмасалар ҳам, лекин катта ҳаётий тажрибага эгадирлар. Улар фан ва илғор тажрибалар эришаётган муваффақиятлар билан қизиқадилар, чин юракдан берилиб меҳнат қиладилар.

Шуни ҳисобга олиш керакки, дейди Ўртоқ Абдураззоқов, социалистик индустрия гуркираб ўсиб бораётганлиги туфайли шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига қараганда анча тезлик билан кўпайиб бормоқда. Демак, биз қишлоқ хўжалигига комплекс механизацияни, фан ва илғор тажриба ютуқларини тинмай жорий қила боришимиз керак. Бу — муваффақиятга эришишнинг йўлидир. Ана шу масалада шаҳарликлар қишлоққа ёрдам беришлари талаб қилинади. Қишлоққа доимо, шу билан бирга конкрет, амалий ёрдам бериб бориш — илмий ходимлар, муассаса, саноат корхоналари коллективларининг шон-шараф ишидир.

Ҳали ҳам хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга етарли аҳамият бермасдан келинаётир. Колхоз раислари ва корхона директори бўлиб ишлаётган хотин-қизлар бармоқ билан санарлидир. Область партия комитетининг жиддий огоҳлантиришидан кейин ҳам бу соҳадаги аҳвол ўзгармади.

Кадрлар билан ишлашдаги энг жиддий камчилик кишиларни юзаки ўрганишдир. Бу эса кадрларни раҳбарликка кўтариш ишида камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлаётир.

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Оролов ишни уддалай олмаганлиги учун 1955 йилда вазифасидан бўшатилган эди. Унинг ўрнига раис қилиб сайланган Тошев ҳам бир йил ўтар-ўтмас, ишни уддалай олмаганлиги учун вазифасидан олинди. Шундан кейин колхозга ўртоқ Оролов раис бўлиб қайтди. Бу раҳбар хўжаликни яна барбод қилди, бир йилдан кейин ишни уддалай олмади деб яна раисликдан озод қиладилар. Шундан кейин раис қилиб сайланган Ўртоқ Қорахонов ҳам бир йилдан кейин ишдан бўшатилди. Умаровни раис қилиб сайлайдилар, у ҳам артелни ўнглантирмади ва ишдан олинди.

Гулистон район матлубот жамиятида қандай ўзбошимчаликлар бўлмаётир. 1957 йилдан буён матлубот жамиятининг раиси беш марта ўзгартирилди. Уларнинг ҳар бири ҳам қисқа вақт ишлаганидан кейин ўз лавозимларини суиистеъмол қилганликлари учун ишдан бўшаб кетавердилар.

Мана кишининг қобилиятини, унинг сиёсий савиясини, ишчанлигини амалда ўрганмасдан туриб раҳбарлик ишига кўтаришнинг оқибатлари нималарга олиб келади?

Кадрлар яхши танланган жойларда ишлар яхши кетаверади.

Шаҳар ва район партия комитетлари кўп минг кишилик активга эга бўлишлари, улар билан узлуксиз ишлашлари, уларга таянишлари, керак бўлганда раҳбарлик ишларига улардан энг яхшиларини тавсия қилишлари керак.

Баъзибир ходимлар у ёки бу раҳбарлик ишига тайинланганларидан сўнг, бу вазифа уларга умрбод берилгандек туйилади. Агар шундай кишиларни бошқа бир кичикроқ ишга тайинласангиз, гўё уларнинг шахсига тегаётгандек бўлади. Бундай кишилар бизнинг орамизда бўлмаслиги керак.

Партия кадрларни ҳамма вақт юксак ғоявийлик ва темир интизом, принципиал, камтар, ҳақиқатгўй, партия ва давлат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга катта аҳамият бериб келмоқда.

Бироқ, бизнинг раҳбар ходимларимиз орасида шундайлари ҳам топиладики, улар ўз мавқеларини сақлаш мақсадида партия кўрсатмаларини ёмон бажарадилар, давлат интизомининг бузилишига йўл қўйдилар, кўзбўямачилик ва давлатни алдаш билан шуғулланадилар. Партия комитетлари ҳозирги пайтда ўз ишига ҳалол муносабатда бўлмайдиган, кўзбўямачилик, мулкпарастлик йўлига ўтиб олган, ўз хизмат вазифасидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланадиган кишилардан кескин тозаланмоқда.

Биз раҳбарларга ниҳоятда сергаклик билан муносабатда бўлишимиз, ўз вазифасига номуносиб бўлган кишиларни раҳбарлик ишларидан озод қилишимиз лозим.

Яна бир масалага жиддий эътибор беришга тўғри келади. Бизнинг область кўпмиллатли областдир. Шунинг учун кадрлар билан ишлаганда кишиларни халқлар дўстлиги руҳида, коммунизм галабаси, Улуғ Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида монолитдек мустаҳкам дўстлик руҳида тарбиялаш диққат марказимизда бўлсин.

Шундан кейин Ўртоқ Абдураззоқов ижрони текшириш ва контроль қилиш ишларини янада яхшилаш ҳақида гапиради.

Танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Лекин ҳамма ерда ҳам бу иш яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бўстонлиқ район партия комитети бюроси ишида шунинг учун ҳам муҳим камчиликлар рўй бердики, бу ерда принципиал ўз-ўзини танқид йўқ.

Шаҳар ва район партия комитетлари ҳар бир корхона, совхоз, колхоз, участка, бўлим, бригада, ферма, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир ходимнинг фаолияти устидан контролликни кучайтиришлари лозим. Контроль ишларини амалга оширишда партия комитетининг барча аппаратини жалб қилиш керак, кенг актив, касаба союзи, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ёрдамига таяниб иш олиб бориш лозим.

КПСС XXII съезди партия ташкилотлари ва партия комитетларининг раҳбарлик услуби ва методини ўзгартириш, биринчи навбатда коллектив раҳбарликнинг ленинча принципларига қатъий риоя қилишни талаб этди.

Афсуски, шундай фактлар ҳам учраб турадики, баъзибир район партия комитетлари ҳали ҳам раҳбарлик услубида бюрократик, қоғозбозликдан ҳамда мажлисбозликдан қутилган эмаслар.

Масалан, Сирдарё район партия комитетини олиб кўрайлик. Ўтган йили район партия комитетининг ҳар ойда 5—6 бюроси бўлиб ўтди, декабрь ойида эса 10 марта бюро бўлди. Ваҳоланки, кўпгина масалаларни мажлис қилмасдан туриб ҳам йўл-йўлакай ёки район Совети ижроия комитетида ҳал қилиш мумкин эди. Бюрода масалалар шошилинч равишда, чуқур ўрганилмай кўрилади. Шуниси ажабланарлики, бюрода кадрлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш, уларни танлаш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган биронта ҳам масала кўрилмаган. Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон район партия комитетларида ҳам мажлисбозлик кўп бўлиб туради.

Областимиз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг роли каттадир. Кейинги вақтларда уларнинг мавқеи янада мустаҳкамланди.

Кейинги уч йил ичида область партия ташкилотидаги коммунистлар сони 18 минг кишига кўпайди. Областнинг 106 партия ташкилоти ҳузурида партия комитетлари ташкил этилди. 830 цех партия ташкилотларига эса бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқи берилди. Партия группаларининг сони икки йил ичида 500 дан ортди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 1200 дан ортиқ. Моддий бойлик ишлаб чиқарувчи корхоналарда меҳнат қилувчи коммунистларнинг сони кўпайди. Бироқ, умуман олганда, область бўйича коммунистларни жой-жойига қўйиш ишлари ҳали анча яхшиланиши керак.

Докладчи кейинги вақтларда бошланғич партия ташкилоти секретарларини танлаш иши яхшиланганлигини қайд қилади. Партия комитетлари уларнинг ўқишига катта эътибор бера бошлади. Область партия комитети ҳар йили бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарларини ўтказмоқда.

Биз бу ишимизни бундан буён ҳам давом эттиришимиз лозим.

Коммунистлар ўртасида уларнинг ғоявий-сиёсий савияси ва малакасини ошириш юзасидан муҳим ишлар олиб борилмоқда. Кўпчилик коммунистлар марксизм-ленинизм асослари ва махсус билимларни сабот билан ўрганмоқдалар. Областда янги шароитда, омма ўртасида ташкилотчилик ишларини яхши йўлга қўйган партия ташкилотлари озмунча эмас. Масалан, Чирчиқ электрокимё комбинати парткоми, цех партия ташкилотлари маъмурият билан ҳамкорликда, ишлаб чиқаришга техника прогрессини жорий қилиш юзасидан катта ишларни олиб бормоқда. «Ташсельмаш» заводининг партия ташкилоти дирекция билан ҳамкорликда пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, техника савияси ва ишлаб чиқариш маданиятини кўтаришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Область колхозлари ва совхозлари партия ташкилотларининг яхши ишлари тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг Ўртоқ Мадалиев бошлиқ партия ташкилоти ўз вазифасини тўғри тушунади. Колхоз механизацияни кенг жорий қилиш ҳисобига кейинги йилларда пахта майдонларини бирмунча кенгайтирди, мўл ҳосил олишнини таъминлади. Колхозда пахтачилик билан бирга, жамоат чорвачилиги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам бир текис ривожланмоқда. Янгийўл районидаги Хрушчев номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Янгиер районидаги «Коммунизм», колхозлари, «Малик», 1-«Боёвут», «Социализм» совхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳам жанговарлик билан ишламоқдалар.

Бироқ, область, шаҳар, район партия комитетлари ҳали кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг ишини тубдан яхшилаб олишга эришганлари йўқ. Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида шундай партия ташкилотлари борки, уларда иш савияси паст, бу партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришга таъсири кам сезилади, улар маъмурият фаолияти устидан контроллик қилмайдилар, коммунистларнинг эктивлигини ва ташаббускорлигини ошириш ҳақида қайғирмайдилар.

Бундай аҳволнинг энг асосий сабаби шундаки, шаҳар ва район партия комитетлари кўп ҳолларда партия ташкилотларининг ишига юзаки раҳбарлик қиладилар, уларнинг ролини ва аҳамиятини камситадилар, уларга кам таянадилар.

Шундан сўнг докладчи партия раҳбарлиги, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, касаба союзи, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишларига, уларнинг хўжалик ва қурилиш соҳасидаги ролини кучайтиришга тўхталиб ўтади.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари иш фаолиятида йирик камчиликлар бор. Баъзибир Советлар меҳнаткашларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар, ўй-жой қурилиши соҳасидаги камчиликларни четлаб ўтмоқдалар, мактаб, касалхона, ҳаммом, болалар муассасалари, клублар ва кутубхоналар, магазинлар, ошхоналар, аҳолига хизмат қиладиган бошқа корхона ва муассасаларнинг ишини яхшилашда ташаббус ва ғайрат кўрсатмаётирлар.

Кейинги йилларда областнинг касаба союз ташкилотлари ўз ишларини бирмунча яхшилади. Уларнинг ёрдами ва иштироки туфайли новаторлар ва рационализаторларнинг сафи кенгайди, социалистик мусобақанинг янги формалари вужудга келди ва ривожланмоқда.

Коммунистик партиянинг оталарча ғамхўрлиги туфайли комсомол ўсди ва катта кучга айланди. У миллионлаб совет йигит ва қизлари учун ҳақиқий ҳаёт ва меҳнат мактаби бўлиб қолди.

Областда 180 мингдан ошиқ комсомол бор. Ёшлар саноатда, қурилишда, транспортда меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ички резервларни қидириб топиб ишга солиш, хомашё ва материалларни тежаш, ишлаб чиқаришга илғор технология ва янги техниканинг жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун актив курашмоқда. Ёшлар ўртасида коммунистик меҳнат зарбдори, коммунистик бригада номини олиш учун кураш кундан-кунга авж олмоқда.

Бироқ, партия ташкилотларининг комсомолга раҳбарлик қилишида жиддий камчиликлар мавжуд. Кўпчилик район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини комсомолга раҳбарлик қилишни яхшилашга қаратмаётирлар, уларни комсомоллар ва ёшлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш сари йўналтирмаётирлар.

Бир қатор комсомол ташкилотларида союзнинг ички ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Партия ишида жамоатчилик асосларини ривожлантириш тўғрисидаги масалага ўтиб, ўртоқ Абдураззоқов бу соҳада жуда кўп ишлар қилинганлигини айтди.

Район партия комитетлари штатсиз инструкторлар активидан кенг фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Кейинги йилда жуда кўп партия комитетларида штатсиз бўлимлар ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда областимизда 459 штатсиз инструктор ишлаб турибди, 20 та штатсиз бўлим ташкил қилинган. Бу бўлимларда 400 га якин коммунист иш олиб бормоқда.

52 та комиссия тузилди. Идеология ишлари бўйича, партияга қабул қилиш масалаларини ҳамда коммунистларнинг шахсий ишларини дастлабки қараб чиқиш, саноат ва қурилиш, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини қараб чиқиш, партиявий-ташкилий ишлар бўйича тузилган ва бошқа комиссиялар шулар жумласидандир. Бу комиссияларга 650 дан ортиқ коммунист жалб қилинган.

Инструкторлар активининг, штатсиз бўлим ҳамда комиссияларнинг тузилганлиги — бу хизматдан ташқари вақтда партия ишларини олиб борадиган кишилар қисобига аппаратни кенгайтиришгина эмас, шу билан бирга, коммунистлар кенг оммасининг партия органларининг раҳбарлик фаолиятида актив қатнашувининг формаси ҳамдир. Шу туфайли партия аппаратининг бошланғич ташкилотлар билан, коммунистлар ҳамда партиясизлар билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бироқ, айрим партия комитетлари комиссиялар ҳамда штатсиз бўлимлар тузишга берилиб кетдилар. Бекобод район партия комитетида штатсиз қишлоқ хўжалик бўлими, коммунистларнинг шахсий ишини кўриш, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини қараб чиқиш юзасидан комиссиялар тузилдию, лекин улар амалда ҳеч қанақа иш олиб бормаётирлар. Сирдарё, Калинин, Комсомол ва бошқа айрим район партия комитетлари жамоат асослари ишлари билан ёмон шуғулланмоқдалар. Бу хилдаги камчиликларни тезда тугатмоқ, партия ишида жамоат асосларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бермоқ зарур.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан сўнг, территориал-ишлаб чиқариш бошқармалари тузилганлиги муносабати билан район партия комитетлари қишлоқ хўжалиги билан, айниқса қолоқ колхоз ва совхозлар билан янада чуқурроқ шуғулланишлари учун кенг имконият яратилди. Район партия комитетлари кадрларни танлаш, қобилиятли ташкилотчиларни колхоз ва совхозлардаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашга асосий эътиборни қаратишлари керак.

Партия иши бирдан бир мақсад бўлмай, балки хўжалик соҳасида маълум натижаларга эришишнинг ҳамда коммунистик жамият кишисини тарбиялашнинг воситасидир.

Бу йил суғоришни тўғри ташкил қилиш пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлга киритиладиган муваффақиятни ҳал қилади. Бу ҳаммага маълум. Бу масала юзасидан жуда кўп ҳар турли қарорлар қабул қилинаяпти. Аммо иш жўнашиб кетмаётир.

Нега шундай бўлаяпти? Гап шундаки, партия комитетлари ташкилотчилик ишлари билан дурust шуғулланмаётирлар.

Оққўрғон районида суғоришни тўғри ташкил қилиш учун 2120 киши ишлаши керак. Амалда эса атиги 680 киши ишлаётир. Бундай аҳволни Бекобод, Комсомол, Янгийўл районларида ҳам кўриш мумкин.

Ёки ғўзанинг қалинлиги масаласини олиб кўрайлик. Бунда ҳам райком томонидан кўрсатиладиган йўл-йўриқлар билан унчалик кўп иш қилиб бўлмайди. Тракторчилар билан яккама-якка ишлаш сал бўшаштирилдими, улар контроль қилинмадими — бас, 10—15 кундан сўнг кўпгина ўсимликни йўқотиш ҳеч гап эмас. Кузга келиб эса раҳбарлар пахта тайёрлашнинг бардоб бўлишининг объектив сабабларини қидира бошлайдилар.

Биз энг яхши корхоналар, колхозлар, бригадалар ва машъалларнинг ижобий иш тажрибаларини ўрганиш билан жиддий шуғулланишимиз ва бу тажрибаларни умумлаштиришимиз лозим.

Юқори Чирчиқ районидаги колхозларнинг ҳамда Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхознинг кўрсатган ташаббуси ғоят катта аҳамиятга эга. Бу хўжаликлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бутун совет халқига Мурожаатига жавобан бу йил пландан ташқари кўп миқдорда пахта, гўшт ва сут бериш мажбуриятини олдилар. Областнинг ҳамма районларида ана шу ташаббус қизғин қўллаб-қувватланиши лозим.

Илғор тажрибаларни ёйишда ва умуман партия ишини ёритишда бизнинг матбуотимиз муҳим роль ўйнайди. Область газеталари ҳамда янги ташкил қилинган районлараро газеталарнинг вазифаси — илғор тажрибалар минбари, партия комитетларининг ҳамиша жанговар ёрдамчилари бўлишдан иборатдир.

Ўртоқ Абдураззоқов ўз нутқининг охирида айтдики, область, шаҳар ва район партия комитетлари ўзларининг иш услублари ва методларини тубдан қайта қуришлари, мажлис ҳамда кенгашлар билан камроқ шуғулланишлари, қоғозбозликни бутунлай тугатишлари, ўз эътиборларини жонли ишга қаратишлари, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга эришишлари лозим. Шуни ҳамиша эсда тутмоқ керакки, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар хўжалик соҳасида эришиладиган муваффақиятларнинг энг муҳим воситасидир.

Бизнинг бурчимиз — бутун партия ишини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаси даражасига кўтаришдан иборатдир.

* * *

Докладдан сўнг музокаралар бошланди. Сўз Янгиер шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Э. Исломовга** берилади. Нотиқ айтдики, шаҳар партия комитети «1-Боёвут» совхози ва бошқа илғор хўжаликларнинг ташкилий-оммавий ишларини ўрганиб чиқиб, уларнинг тўплаган бой тажрибаларини бошқа партия ташкилотларига ёйиш билан кенг шуғулланди.

Шаҳар партия комитети партия ташкилотларининг раҳбарлари билан хўжаликнинг ўзида тез-тез семинарлар ўтказадиган бўлиб қолди. Шунингдек, раҳбар ходимларнинг савиясини ошириш масаласида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Ҳозир районда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 80 процанти ўрта, олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга.

Коммунист-жамоатчилар, деб давом этади Э. Исломов, ишимизга айниқса катта ёрдам бермоқдалар. Бу ўринда район «Узсельхозтехника» бирлашмасининг директори Ўртоқ Кириллин раҳбарлик қилаётган комплекс механизацияни жорий қилиш комиссияси ишини кўрсатиш мумкин. Комиссия ҳар бир колхоз ва совхознинг мавжуд техникадан тўлиқ фойдаланиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда комплекс механизацияни кенг жорий этиши соҳасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

3-«Боёвут» совхозидаги, жамоатчилик асосида ишлаётган сиёсий маориф кабинетининг иши ҳам диққатга сазовордир. Кабинет ёрдами билан справкалар столи уюштирилди. Кабинет ходимлари лекторларга адабиёт танлашда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, дала шийпонларига чиқиб, қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар, кўргазмали агитацияни йўлга қўйишда совхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераётирлар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг ташкилий -бўлим мудири Ўртоқ **Е. А. Гациевич** минбарга чиқади.

— Партиявий-ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши, — дейди нотиқ, — кўп жиҳатдан қабул қилинган қарорларнинг ижроси билан шуғулланишга, контролликни кучайтиришга боғлиқдир. Текшириш шу нарсани кўрсатдики, Тошкентдаги кўпгина партия ташкилотлари шаҳар партия конференцияси қарорларини қониқарли бажармаётирлар.

Айрим партия комитетларининг составида малакали мутахассислар жуда кам. Масалан, Куйбишев район партия комитетида штатдаги 18 ходимнинг атиги биттаси инженерлик мутахассислигига эга. Айрим партия ташкилотлари кўпинча справка ва маълумотлар тўплаш билан шуғулланиб, ўз коллективларининг фаолиятидан ажралиб қолаётир.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Ф. Ан** сўз олади.

— Бизнинг районимизда ташкилий-оммавий ишларнинг яхшиланишида штатсиз жамоатчи комиссиялар катта ёрдам бераяпти, — дейди у. — Шундай комиссиялардан бештаси ишлаб турибди. Коммунистларнинг шахсий делолари, аризалари ва партияга қабул қилиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг иши айниқса диққатга сазовордир. Район партия комитетининг ходимлари эндиликда бошқа муҳим масалалар билан шуғулланиш учун кенг имкониятга эга бўлиб қолдилар.

Нотиқ область партия комитети ходимларини танқид қилади. Қандай масала бўлмасин, дейди у, кўпинча район партия комитетининг биринчи секретарига телефон қилишади. Нега шундай? Ахир, кўпчилик масалалар юзасидан район партия комитетининг иккинчи секретари ёки бўлим мудирлари ҳам жавоб беришлари мумкин-ку.

Шундан сўнг Ленин район партия комитетининг капитал қурилиш штатсиз бўлимининг мудири Ўртоқ **В. Аникин** сўзлайди. Нотиқ жамоатчи-коммунистларнинг «Главстройиндустрия»нинг 6-темир-бетон буюмлари заводи коммунистларига яқиндан ёрдам бераётганликларини, бу ердаги бир қатор камчиликларни аниқлаб, маъмуриятга кўмаклашаётганликларини айтиб ўтади.

Штатсиз бўлим ёш коммунистлар билан ишлашга айниқса катта эътибор бермоқда. В. Аникин кенгаш қатнашчиларини партиявий-ташкилий ишнинг форма ва методларини янада такомиллаштиришга, жамоатчилик асосларини кенг ёйишга чақиради.

Чирчиқ электрокимё комбинати партия комитетининг секретари Ўртоқ **С. Аҳмедов** сўз олиб, комбинат коллективининг сиёсий ва меҳнат активлиги ошганлигини, жамоатчилик асослари кенг йўлга қўйилганлигини айтади. Ҳозир комбинатда доимий ҳаракатдаги 12 та кенгаш ишлаб турибди. Бу кенгашларда юзлаб кишилар қатнашмоқда.

Шундан сўнг сўз Ўзбекистон КП область комитетининг Чирчиқ территориал-ишлаб чиқариш бошқармасининг партия ташкилотчиси Ўртоқ **Т. Ражабовга** берилади. Бугунги кенгашда муҳокама қилинаётган масалалар, дейди у, ҳаётнинг ўзи талаб этган масалалардир.

Бизнинг территориал бошқармамиз ўз фаолиятини ҳар бир хўжаликнинг аҳволини ўрганиш ва зонамиздаги бошланғич партия ташкилотларининг иши билан яқиндан танишишдан бошлади. Партиянинг ички ишлари ва хўжаликлар фаолияти билан танишилганда бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Кўпгина қишлоқ хўжалик артелларининг партия ташкилотлари ҳали оммага чинакам бошчилик қилмаётирлар, жамоат хўжалигини мустаҳкамлашга актив равишда аралашмаётирлар. Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми якунларини муҳокама қилишга тайёргарлик икки ярим соат давом этган. Қабул қилинган қарорда эса атиги бешта пункт кўрсатилган. Бу пунктларнинг биронтасида ҳам ҳеч қандай аниқ топшириқ кўрсатилган эмас.

Шундан сўнг Ўртоқ Ражабов ҳамма звенолардаги қишлоқ партия ходимларининг систематик ўқишига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди. Кўп жойларда партия группалари тузишга расмиятчилик билан қаралмоқда.

Область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Г. Потатуев** областимиз ёшларининг коммунизм қуриш йўлидаги ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтаётганликларини, ҳар қандай ишни ўз зиммаларига олаётганликларини айтади. Тошкент шаҳрининг комсомол-ёшлари чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа базаси яратишда ўзларининг қишлоқлардаги дўстларига яқиндан ёрдамлашмоқдалар. Саноат корхоналарида, қурилиш ва транспортда янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритаётган ёшларимиз кўпчиликни ташкил этади. Ёшлардан ўн мингга яқин киши янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, рационализаторлик ва ихтирочилик комиссиялари ҳамда советларининг аъзоларидир.

Бироқ ишимизда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд, дейди Ўртоқ Потатуев. Асосий камчилик шундан иборатки, кўпчилик район ва шаҳар комсомол комитетларида ташкилотчилик ва оммавий ишлар бўш йўлга қўйилган.

Комсомолнинг кучи партия раҳбарлигидадир. Ёшларимиз ўз оталари, катта акалари, коммунистлар ва партия ташкилотлари қанчалик яқиндан ёрдамлашиб турсалар, ўз ишларидаги камчиликларни шунчалик тезлик билан бартараф қиладилар. Аммо бир қатор район партия комитетлари, шу жумладан Чиноз, Комсомол, Калинин район партия комитетлари комсомол ишларини жонлантиришга камдан-кам ёрдам кўрсатмоқдалар.

Хўжаликнинг муваффақияти, — дейди Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ж. Шамсиев**, — кўп жиҳатдан ташкилий-сиёсий ишларнинг савиясига боғлиқдир. Ленин номли колхоз коммунистлари буни доим эсда тутмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг энг қийин участкаларида коммунистлар бошчилик қилмоқда, улар юксак мажбуриятларнинг бажарилишида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Бу — ишнинг бир томонидир, холос. Ишнинг энг муҳим томони шундаки, қаерда илғорлар тажрибаси кенг жорий этилса, ўша ерда ишнинг муваффақияти шунчалик яхши бўлади. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўтган йили айрим бригадаларимизда ҳар гектардан олинган ҳосил 47 центнерни ташкил этди. Шундай бригадалар ҳам бўлдики, ҳар гектар ердан кўтарилган ҳосил шу кўрсаткичнинг ярмини ҳам ташкил этмади. Колхозимиз коммунистлари бундан тегишли хулоса чиқариб олдилар. Ҳозир улар қийинчиликларни енгишга, кам сув билан мўл пахта ҳосили тўплашга қаттиқ бел боғлаганлар. Ҳар томчи сувнинг қадрига етиб, янги насос установкаларини ишга солмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари областимиз меҳнаткашларининг бу йилги мажбуриятларни тўла бажаришига, партия ички ишлари ва ташкилотчилик ишларининг тубдан яхшиланишига қаратилган қимматли таклиф ҳамда маслаҳатлар айтишди.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия органлари бўлимининг мудири Ўртоқ **И. П. Бурмистров** сўзлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ўртоқ **Ф. Е. Титов** катта нутқ сўзлади.

ЭНГ ЯХШИ ОЧЕРК УЧУН ҚОНКУРС

МОСКВА, 11 июнь. (ТАСС). СССР Журналистлар союзининг правлениеси қишлоқ хўжалик темасига бағишланган ҳамда газета ва журналлар учун мўлжалланган энг яхши очерк учун Бутуниттифоқ конкурсини эълон қилди. Конкурснинг мақсади КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик практикасида ва фаннда янгиликни, прогрессив усулларни яратаётган киши очерк марказида туриши керак.

Конкурс шартлари тасдиқланди. Конкурсда Совет Иттифоқининг барча журналистлари, шунингдек ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳамда газета ва журналлардаги штатсиз бўлимларнинг ходимлари иштирок этишлари мумкин. Конкурс икки даврада ўтказилади. Биринчи давраси — районлараро, шаҳар, область ва республика газета ҳамда журналларида эълон қилинган энг яхши очеркларни танлаб олиш ишини иттифоқчи ва автоном республикалар журналистлар союзларининг правленелари, СССР журналистлар союзи область ва ўлка бўлимларининг бюролари ўтказади. Марказий ва Москва газета ҳамда журналларида босиб чиқарилган очеркларни Союзнинг Москва шаҳар бўлими правлениеси танлаб олади.

Конкурснинг биринчи давраси-дан ўтган очерклар СССР Журналистлар союзи правленеесининг ижодий комиссиясида муҳокама қилиш учун 1963 йил 15 февралгача юборилади.

Энг яхши очерклар учун қуйидаги мукофотлар белгиланади: битта биринчи мукофот — 500 сўм, учта иккинчи мукофот — 300 сўмдан, бешта учинчи мукофот — 200 сўмдан ва ўнта рағбатлантирувчи мукофот — 100 сўмдан.

МАККАЖЎХОРИЗОРДА

Жўра ака далаларни айланиб юриб, маккажўхорикорлар шийпонига келганида қоқ туш бўлиб, ҳарорат анча баланд эди.

Беш азамат лаззатли таомдан сўнг кўк чой ичиб, мириқиб дам олиб ўтиришибди. Шу пайт бу ерга раис келиб қолди.

— Салом, йигитлар! — у ўтирганлар билан бирма-бир сўрашиб чиқди.

— Келинг, Жўравой ака, қани чойга марҳамат! — ўтирганлар раисни дастурхонга таклиф этишди.

Жўра ака маккажўхорикорлар даврасида қизғин суҳбатлашиб ўтирди. Уларнинг ишлари билан қизиқди, маслаҳатлар берди.

— Қани, пайкални бир айланайлик-чи, — таклиф этди раис.

Бригадир билан Жўра ака маккажўхоризорни оралаб кетишди.

Кўмкўк ўсимликлар қуёш сари бўй чўзмоқда. «Дала малика»си ўз ошиқларини салом бериб кутиб олаётгандай, шабадада тебранарди.

— Ривож чакки эмас, Қосимбой, «Қаловини топса қор ёнади» дейдилар. Парвариши жойида бўлса, силос ҳам, дон ҳам мўл бўлаверади. Ҳамма гап «малика»га, ишга муҳаббатда.

— Гапингиз ҳақ, — тасдиқлади бригадир. — Бултургі тажрибамиздан маълум. Мана шу пайкалдаги маккажўхорининг бўйи 5-5,5 метрга етган эди.

Бу ҳақ гап, фидокорона меҳнат туфайли ўтган йили ҳар гектар ердан 700 центнердан кўк поя олинган, ҳар бир сигир учун 10,5 тоннадан силос бостирилган эди.

Шу пайт пайкалнинг этагида турган «Универсал» гурилдаб қолди. Суҳбатдошлар ўша томонга қарашди.

— Эшмат ишга тушибди, — деди бригадир Қосим Усмонов. Шийпон томондан йигитларнинг хушчақчақ кулгиси атрофга таралди. Беш азамат меҳнат кучоғига отилди. Улар ҳозиргина Эшмат трактор билан очиб кетган эгатларга сув тарай бошлади.

— Ҳа, азаматлар, ғайрат қилинглар, — деди раис Жўра ака Очилов, маккажўхорик о р л а р билан хайрлашар экан, — ҳосил тақдири ўз қўлингизда. Шу кунлардаги ишларинг чакки эмас. Буёғини бўшаштирманглар.

— Хотиржам бўлинг, раис, уялтирмаймиз, — й и г и т л а р ишонч билан жавоб беришди.

Шундай. «Қизил Октябрь» колхозининг «дала малика»си ошиқлари мўл ҳосил йўлида фидокорлик билан меҳнат қилаётирлар. Ўтган йили маккажўхоридан кўп кўк поя етиштиришда колхоз районда биринчи ўринни эгаллади. Район комсомоллари мана шу бригада базасида тажриба алмашиш мактаби ташкил этиб, уларнинг иш усулларини ўргандилар.

Районнинг машъал маккажўхорикор азаматлари етти йилликнинг тўртинчи йилида ҳам мўл-кўл кўк поя етиштиришга аҳд қилишган. Бригадада механизатор билан ҳаммаси бўлиб олти колхозчи ишлайди. Экин майдони ҳар бир ишловчига 10 гектардан тўғри келади.

Маккажўхорикорлар эрта кўкламдан буён астойдил меҳнат қилаётирлар. Ҳамма майдонга уруғ режа сими ёрдамида 60х60 схемасида экилди.

Шу кунларда бригада даласида бўлган кишининг баҳридили очилади. Механизатор Эшмат Шерматов қатор оралаларига иккинчи бор ишлов берянти. Моҳир сувчилар — 60 яшар Ездан ота Асадов, Чоршанбой Жўраев, Саидқул Саримсоқов ва Дарвеш Усмоновлар ўсимликларни талабига қараб мириқтириб суғоришяпти.

— Бу йил гектаридан 1000 центнердан кўк поя етиштириш мажбуриятини олганмиз, — дейди бригадир. — Шу сабабли ҳаракатимизни бўшаштирмаяпмиз.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
Чиноз райони «Тошкент ҳақиқати» илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлимининг ходими.

Иккинчи парвариш тугалланди

Ҳар гектар ердан камида 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун ҳормай-толмай курашаётган бригада аъзолари 140 гектар ердаги ғўзанинг ҳаммасини ёппасига шоналатиб олдилар. Қатор ораларини биринчи комплекс парвариш қилиш апротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказилган эди. Бригада механизаторларидан Қ. Самандаров ва Э. Сулаймонов ўртоқлар ўз агрегатлари билан кунига 10 гектардан ортиқ ерни узунасига ва кўндаланга культивация қилишмоқда.

Бегона ўт бу бригадада ўз номи билан «бегона». Бригада аъзоларидан Б. Йўлдошева, Ч. Абдураупов ўртоқлар ёввойи ўтларни йўқотишда бошқаларга чинакам намуна бўлмоқдалар. Бригаданинг моҳир сувчилари шу кунларда саратон сувининг ҳар томчисини тежаб-тергаб сарфлаганлари ҳолда ғўзаларни меёрига етказиб суғоришга бутун кучларини сарфламоқдалар.

3.-«Боёвут» совхозининг ўртоқ А. Шодиев бошчилик қилаётган бу бригадасидаги ғўзалар ҳозирданоқ мўл ҳосилнинг нишоналарини кўрсатаяпти. Гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмонини кўтариш иштиёқида меҳнат қилаётган бригада аъзолари тиним билишмайди. Ҳа, улардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

Ҳ. ҲОЛИҚОВ.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг донгдор маккажўхорикори ўртоқ Ли Любовь бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 2000 центнердан кўкпоя етиштириш учун курашмоқда. Ҳозир бригадада маккажўхорининг иккинчи парвариши тугалланай деб қолди. Суратда: ўртоқ Ли Любовь маккажўхоризорда.

Қ. Розиқов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚАНИ ВАЪДА, ҲАРАКАТ

Қирқ гектарлик картадаги ғўзаларни кўрган киши хурсанд бўлиб эмас, ранжиганидан бу карта қайси бригадага қарашли эканлигини билишни истайди. Нега десангиз, ҳалигача яганадан тўла чиқарилмаган ғўзаларни ёввойи ўт, ғумайлар ўраб олган. Ўз вақтида культивация қилинмаганлиги, бегона ўтларга қарши кураш эътибордан четда қолганлиги туфайли ана шундай ачинарли аҳвол рўй берган. Бригадир ўртоқ Шалкаев, ахир бу инсофданми, наҳотки ёз бўйи қилинган меҳнатнинг зое кетаётганлигига юрагингиз ачишмаса? Бу ҳолда юқори ҳосил ҳақида ўйлаб бўладими?

Биргина ўртоқ Шалкаев бригадасида эмас, Чиноз районидаги Энгельс номли колхознинг Хўжахмедов, Юсупов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ғўза ёввойи ўтлар дастидан дод дейишаяпти. Бироқ бегам бригадирлар бу фарёдга қулоқ солишмаяпти. **(Мухбир хабаридан).**

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДА

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришни кун сайин қизитмоқдалар. Ғўза парвариши айниқса ўртоқ Ў. Маталиев бошчилик қилаётган 6-бригадада қизғин тус олган. Меҳнатсеварлар ҳар гектардан пландаги 29 центнер ўрнига 31 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

— Мўл ҳосил тупидан олинади, — дейди бригада бошлиғи Ўринбой ака. Ҳозир ҳамма майдонларимизда етарли миқдорда кўчат бор.

Колхознинг бу илғор бригадасида ғўза қатор ораларига иккинчи ишлов бериш тугалланиб, учинчи культивация бошлаб юборилди. Нормал ривожланаётган ғўза ниҳоллари мўл ҳосилдан дарак бериб турипти. Ҳ. Бозорова, Б. Аҳмедова, О. Файзиалиев, У. Айнақулова каби меҳнатсевар пахтакорлар кундалик топшириқни 1,5—2 баравар ошириб бажариб, мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Колхознинг 10-бригадасида меҳнат қилаётган кекса пахтакор Шукурхон ота Акрамовни районда танимайдиган киши йўқ деса бўлади. Тажрибали деҳқон бошлиқ звено 17 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган. Звенода экин парвариши кўнгилдагидек ўтказилаётганлиги туфайли ғўзалар ёппасига шоналади.

Шунингдек, райондаги «Ленин йўли» колхозининг Ш. Ғафуров, А. Муродов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам ғўза парваришига алоҳида эътибор берилмоқда.

П. ТОЖИЕВ,
А. РАЗЗОҚОВ,
Г. КАНСЕИТОВ,
Ҳ. МАМАНАЗАРОВ.

Июнь қуёши қизиб
Ўт пуркайди далага,
Ер қизиб тандир каби
Чўмган иссиқ паллага.

Униб чиққан ҳар уруғ
Бўй чўзиб гулга кирган.
Баъзилари мевасини
Пиширишга улгирган.

Пахтазордан мўралар
Ёқут рангли шоналар,
Куз келганда чаноқда
Бўлар олтин доналар.

Лекин унинг ёнида
Ўжар ғумай ўсипти,
Шоналар япроғини
Кун нуридан тўсипти.

Текин овқатга шерик,
Дарозликка зеб қўйган,
Гаппинг рости ғўзанинг
Ризқи-рўзин еб қўйган.

Шунинг учун ғўзалар
Кўринар беҳол, нимжон.

Арз қилиб айтган каби —
Йўқолар ғумой қачон?

Бригадир кўзини
Шира олдими бугун.
Бизга яқинроқ келиб
Ҳол сўрмайди не учун?

Тол тагида сўриси,
Кўзларида уйқуси,
Соянарвар, дангаса,
Келмас қимирлагиси.

Қани ваъда, ҳаракат,
Жон куйдириш қай маҳал?
Қўлингизга муҳтождир
Ғўза ўсган ҳар пайкал.

Ҳар туп ҳосил ғунчаси
Яйраб ўссин, қил юмуш,
Чаноқлари тўлишиб,
Бўлсин кузда ғуж кумуш.

Шунинг учун далада
Ёт алафлар қолмасин,
Оқ олтин кўчатлари
Сарғаймасин, толмасин.

Июнь қуёши қизиб
Келди ғайрат палласи.
Ҳар кўчат ғунчасида
Кўринсин эл ваъдаси,

Яшил квадратлар
Бўлсин гулшан, қарқара.
Шунинг учун пахтакор
Юрган йўлингга қара,

Берган сўзингга қара,
Бўшашмасин иш сира!

НАЗАРМАТ.

ДОҒ ЮВИЛАДИ

Ўтган йилги иш Фрунзе номли колхоз аъзоларини ерга қаратиб қўйди. Илгари бу хўжалик пахтадан дурust ҳосил олиб келган. Олтмиш биринчи йилда эса планнинг учдан икки қисми бажарилди, холос. Колхоз аъзолари бунинг сабабларини чуқур мулоҳаза қилиб кўрдилар. Асосий хато меҳнат интизомининг бўшлиги ва апротехника қоидаларининг бузилишида экан. Ўтган йилги ҳосил йиғиб олиниши билан янги қишлоқ хўжалик йилига пухта тайёргарлик кўрила бошланди. Янги сайланган раис Шербек ака Эшонқулов ҳаммадан бир хилда талаб қилди. Ўзи ҳам бардош ва чуқур мулоҳаза билан ишлади. Оқибатда ер яхши ишланди. Кўкламнинг инжиқликларига қарамай чигит яхши ундириб олинди.

Бу йил колхоз 900 ўрнига 937 гектар ерга чигит экди. Хўш, 37 гектар ер қандай топилди. Илгари колхозда ер исроф қилинар, айрим кишилар томорқани кўп экиб, ерни талон-торож қилар эдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бунга қарши қатъий курашди. Карта четларида, ариқ ёқаларида бўш жойлар қолмади. Шу йўл билан 37 гектар ер топилиб, пахта майдонига қўшилди. Планда белгиланган ҳосилдорлик 25 центнер. Демак, қўшимча ер ҳисобига колхоз 925 тонна пахта олади.

Кўчат тўлиқ бўлса, ҳосил мўл бўлади. Бу йил колхоз аъзолари ана шу шиорни байроқ қилиб ишламоқдалар. Ҳозир кўчат яхши. Ғўза қийғос шоналади. Айрим бригадалар ҳар гектар ердан 30—35 центнердан «оқ олтин» олиб, ўз колхозларида мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда кўрсатмоқчилар. Ҳамманинг фикри битта: бу йил фақат планни эмас, мажбуриятни ҳам бажариб, ўтган йилги доғни ювиб ташлаш.

Ҳозирги кунда колхоз далаларида бўлган киши мўл ҳосил йўлида астойдил кураш бораётганига ишонч ҳосил қилади. Меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Ҳамма кунлик топшириқни ортиғи билан бажаришга интилади. Ғўза икки томонлама парвариш қилинмоқда. Карталаларда бегона ўт йўқ. Суғориш сифатли боряпти. Шуларнинг ҳаммаси мўл ҳосил деб, «оқ олтин» деб қилинаётган иш. Шундай, бу йил доғ ювилади, албатта ювилади.

С. СУЛТОНОВ,
Комсомол райони.

ГАЗЕТХОНЛАРГА ЖАВОБ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон давлат медицина нашриётининг ходими ўртоқ Тоиров, «Ташсельмаш» заводининг ишчиси ўртоқ М. Субботин, иккинчи юк такси автобазасининг ходими ўртоқ В. Исахоновлар бизга хат ёзиб, Генерал Петров кўчаси ёмон аҳволда экинлигини билдиришган.

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизлар яшаб турган Генерал Петров номидаги кўчанинг бир неча йилдан буён ремонт қилинмаганлиги сабабли ўнқир-чўнқир бўлиб қолгани, водопровод колонкалари камлиги учун аҳоли сув танқислигига учраётгани тўғрисидаги танқидий фикрларингиз текширишда тасдиқланган. Куйбишев район коммунал хўжалик бўлими бу кўчани ремонт қилиш ва қўшимча водопровод колонкалари ўрнатишни лозим деб топган ва буни 1962 йил планига киргизган.

Район коммунал хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Ляшенко редакцияга жавоб хати ёзиб, унга имзо чеккан экан, у сўзнинг устидан чиқади, деб ишонамиз.

Халқаро аҳвол

Болгария тинчлик тарафдорларининг Форуми

СОФИЯ, 11 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда Болгария тинчлик тарафдорларининг VI миллий конгресси очилди.

600 делегат — мамлакатнинг ҳамма ўлкаларидан келган ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, фан, маданият ва санъат вакиллари замонамизнинг бутун инсониятни тўлқинлантираётган энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш на урушга йўл қўймаймиз, деб қатъий айтиш учун бу ерга тўпландилар. Конгресснинг кун тартибида қуйидаги масалалар бор: «Халқларнинг қуролсизланиш ва тинчлик учун кураши» тўғрисида тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитети бюросининг доклади, конгресснинг болгар халқига мурожаатини ва ёппасига қуролсизланиш ҳамда тинчлик учун жаҳон конгрессида қатнашувчи болгар делегатларига наказ қабул қилиш, тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетининг янги составини сайлаш, ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун Жаҳон конгрессида қатнашувчи делегатларни сайлаш. Тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетининг раиси академик Георгий Наджаков «Халқларнинг қуролсизланиш ва тинчлик учун кураши» тўғрисида доклад қилди.

Испанияда полиция ўзбошимчалиги ва репрессиялари

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Оппозициянинг кучайишидан қути учган диктатор Франко испан халкининг фашист истибдодига қарши бундан кейинги чиқишларига йўл қўймаслик учун ваҳшиёна чоралар кўрмоқда. Франко янги қонун жорий қилди. Бу қонун испанларни истиқомат жойини эркин танлаш ҳуқукидан икки йил муддатга маҳрум этади. Ана шу қонун, аввало, Испаниянинг саноат районларидаги меҳнаткашларга қарши қаратилган. Бу районларда шу йилнинг апрель — май ойларида неча ўн минглаб меҳнаткашлар Франко режимига қарши бирғалашиб стачка курашига отланган эдилар.

Янги қонун ёрдами билан Франко ҳукумати забастовкаларда қатнашганлиги учун франкочилар полициясининг ҳамма кучларини таъқиб этиш кампаниясини кучайтириб юборди. Франкочилар охранкаси ҳам «Халқ озодлиги фронти»га қарши, ҳам христиан-демократик партия ва бошқа оппозициячи гуруҳларнинг раҳбар арбобларига қарши зарба беришга уринмоқда. Испания турли оппозициячи партиялари вакилларининг яқинда Мюнхенда ўтказилган учрашуви Франкизмга қарши чиқаётган ана шу партияларни таъқиб этиш учун бир баҳона бўлди. Ана шу оппозициячи партиялар Мюнхендаги учрашув вақтида резолюция қабул қилдилар. Бу резолюция уларнинг Испанияда Франко режимини тугатиш учун кураш олиб бориш ниятида эканликларини тасдиқлайди. Бу учрашув қатнашчиларидан 20 га яқин киши Мюнхендан Мадридга қайтиб келишлари биланоқ, аэродромда қамоққа олинди. Франкочилар маъмурлари уларга икки йўлдан бирини «эркин танлаб олиш»ни таклиф этдилар. Улар ё Канар ороллариға сургун қилинишлари, ёки чет элларга чиқиб кетишлари керак эди.

Христиан-демократик партиянинг раҳбари Хиль Роблес шу тарика қўлга олинди. Истиқомат жойини танлашни чеклаш тўғрисида ҳали яқиндагина қабул қилинган қонунга асосан, Роблес Канар ороллариға сургун қилиниш хавфи остида қолган эди. Аммо, Роблес Мадриддан чиқиб, Парижга жўнаб кетишга муваффақ бўлди. Испаниянинг таниқли экономисти, Мадрид университетининг профессори Хесус Прадос Аррарте ҳам бугун Парижга келди.

Айни вақтда чет эл мухбирлари Испаниянинг расмий манбаларига таяниб, қуйидагиларни хабар қиладилар: Шу кунларда Испанияда франкочилар режимига қарши чиқаётган кишилар, жумладан, бутун Испанияга кучли тўлқиндек ёйилган оммавий стачкаларга раҳбарлик қилган актив ишчилар қувғин қилинмоқда. Франс Пресс агентлигининг мухбири Мадриддан хабар беради: ажнабий кузатувчиларнинг фикрича, франкочилар маъмурларининг Испаниядаги барча оппозициячи гуруҳларнинг вакилларига қилаётган ана шу ҳужуми «генерал Франко ҳукуматининг позицияси кейинги вақтлардаги забастовкалар натижасида жиддий суратда заифлашганлигини. Испания пойтахтидаги вазият кескинлигича қолаётганлигини» исбот қилади.

Италия халқи тинчликни ҳимоя қилиш учун, ядро синовлари ва зўр бериб қуролланишга қарши тобора кенгроқ ва қатъий равишда чиқмоқда. Мамлакатда ўтказилаётган «тинчлик юришлари» антиҳарбий курашнинг оммавий формаси бўлиб қолди. Шаҳар майдонлари ва кўчаларидан деярлик ҳар ҳафтада кишиларнинг колонналари ўтмоқда. Бу колонналар турли сиёсий ҳамда диний маслакдаги эркак ва хотин-қизлардан иборат бўлиб, улар тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашни талаб қилиб чиқмоқдалар. Суратда: «Тинчлик юриши»нинг қатнашчилари Меццанодан Равеннага олиб борадиган йўлдан ўтиб бормоқдалар. (ТАСС фотохроникаси).

Лаос ҳукумати тузилди

КХАН-ХАЙ (Лаос), 11 июнь. ТАССнинг махсус мухбири **А. Силанин** хабар беради: Шаҳзода Суванна Фума бугун Лаоснинг уч шаҳзодаси учрашган бинонинг балконида туриб, Лаос муваққат коалицион ҳукумати тузилганлигини эълон қилди.

Ҳукумат составига Суванна Фума тарафдорларидан етти киши, Нео Лао Хак Сат партиясининг тўрт вакили, Вьентьян гуруҳидан беш киши ва Вьентьян бетарафлари деб аталган гуруҳдан уч киши киради.

Ҳукумат 12 министр ва етти давлат секретаридан иборат бўлади.

Шаҳзода Суванна Фума бош министр лавозимидан ташқари ҳарбий министр лавозимини ҳам эгаллайди, шаҳзода Суфанувонг ва генерал Фуми Носаван бош министр ўринбосарларидир. Шаҳзода Суфанувонг экономика министри ва генерал Фуми Носаван молия министри вазифаларини ҳам эгаллайдилар. Кинин Фолсена ташқи ишлар министри, Фенг Фонсаван эса, ички ишлар министри қилиб тайинланди. Буларнинг ҳар иккиси Суванна Фума тарафдорларидир.

Шундай қилиб, Лаос кризисини ҳал этишда муҳим қадам қўйилди.

ОАСЧИЛАР ХАДДИЛАРИДАН ОШМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 11 июнь. (ТАСС). Жазоирнинг шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктлари аланга тутунлари билан қопланди. Мактаб, кутубхона, муассасаларнинг бинолари, саноат корхоналари ўт ичида қолди.

Парижда чиқадиган буржуа газетаси «Фигаро» бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: ОАС бандитлари кейинги икки кечаю кундузда Жазоир шаҳрининг бир ўзидагина эллик жойни портлатдилар ва ўт қўйдилар. Йигирма беш жамоат биноси ва хусусий бинолар, ўн мактаб биноси, полиция комиссариати, пойафзал фабрикаси ва бир неча магазин биноси тамомила емирилди...

Оасчилар шайкаларининг бошлиқлари Жазоир бошига янги қулфатлар солишга тайёрланмоқдалар.

Машҳур вишичи ва коллаборационист, Саланнинг адвокати Тиксье-Виньянкюр бундай деди: Якинда Франциядан қочган Бидо, Сустель ва собиқ полковник Арсу учрашдилар. Улар Жазоирни бўлиб олиш йўлида амалий ҳаракат бошлашга қарор бердилар.

ТУРКИЯНИНГ ЭКОНОМИКАСИ БАРБОД БЎЛМОҚДА

ИСТАМБУЛ, 11 июнь. (ТАСС). «Ватан» газетаси Туркиянинг аҳволи тўғрисида мақола босиб чиқарди. Мақолада, жумладан, бундай дейилади:

Туркиянинг ташқи сиёсати боши берк кўчага кириб қолди. Мамлакат жуда кўп қарзларга ботди. Туркиянинг Ғарбдаги капиталист гуруҳларга фойдали бўлган тарзда капитал маблағ сарфлаш сиёсати унинг экономикасини ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Мамлакатда бесаранжомлик ўсмоқда, қўзғолонлар бўлмоқда. Қурол-яроғ ва таёқлар билан дўқ қилинишига қарамай, одамлар кўчаларга чиқмоқдалар. Ҳукуматлар бирин-кетин истеъфо бермоқдалар, оч кишилар намойишлар уюштирмоқдалар. Матбуот саҳифалари иқтисодий аҳволнинг оғирлашганлиги тўғрисидаги хабарлар, мақолалар, фотосуратлар билан тўлган. Мамлакат раҳбарларининг халқдан ажралиб қолганлиги иқтисодий аҳволнинг ёмонлашганлигига сабабдир. Иқтисодий аҳвол 20 йилдан буён ёмонлашиб келмоқда.

Пахта навлари ҳақида китоб

Республикамизда кўп йиллардан бери пахтанинг янги навларини яратиш ва эски навларини яхшилаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. 1950 — 1959 йилларда Давлат навсинаш тадбири ўтказилди. «Ўзбекистонда пахтанинг навлари»[1]) деган китоб ана шу тадбирнинг натижаларига бағишланган.

Китобнинг биринчи бобида республикамизда навсинаш шохобчаларининг жойлашуви ҳақида гап боради. Пахтанинг яхши навини танлай билиш қимматбаҳо тола ҳосилдорлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Кейинги йилларда селекционерларимиз пахтанинг жуда кўп юқори ҳосилли навларини яратдилар. Бу навлар ўзининг кўп тола берishи, юқори сифати ва ғўза касалликларига чидамлилиги билан бошқа навлардан фарқланади.

Давлат навсинаш шохобчаси 1924 йилдаёқ ташкил этилган эди. Ҳозирги пайтда бу шохобчанинг республикамизда 38 та навсинаш участкаси бор. Тошкент тупроқ-иқлими округида эса 6 та нав участкаси бор: Мирзачўл нав участкаси 80 минг гектардан кўпроқ кулранг-ўтлоқ, шўрхок ерларга хизмат қилади; Жиззах нав участкасига 15 минг гектар кулранг тупроқли ер қарайди; Янгийўл нав участкаси 40 минг гектар кулранг тупроқли ерларга хизмат қилади; Ўрта Чирчиқ нав участкаси кулранг тупроқли минтақанинг 40 минг гектарлик ўтлоқ ерларига жойлашган; Далварзин нав участкасига ўтлоқ тупроқли 45 минг гектардан кўпроқ ер қарайди; ҳозир Пискент нав участкаси ўз ишини 40 минг гектар майдонда ўтказмоқда. Янгиерлар ўзлаштирилгач бу майдонлар яна кенгаяди. Келажакда Жиззах ва Ховос массивларида янги нав участкаларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Чунки бу массивларда оч кулранг тупроқли янги ерлар очилади.

Юқорида айтиб ўтилган бу характеристика фақат Тошкент округигагина тегишлидир. Китобда республикамизнинг қолган 5 та тупроқ-иқлим округларига ҳам ана шундай характеристика берилган.

Ўзбекистонда кейинги 20 йил ичида пахтанинг 303 та нави синовдан ўтказилди. Бу навларнинг 41 таси ишлаб чиқаришга жорий этилган. 1959 йилда республикамизда пахтанинг 40 га яқин нави экилган эди, уларнинг 11 таси районлаштирилган. Шу жумладан Тошкент области учун 108—Ф нави районлаштирилган эди. Бу навдаги уруғлик областда 1959 йилда бир миллион 108 минг гектар ерга экилди. Шу йили областнинг 2350 гектар ерига пахтанинг районлаштирилмаган С — 4727 нави экилди. Бу ҳар иккала нав ҳам V группали тола беради. 108—Ф нави ўртапишар бўлиб, 32,6 процент тола беради, С—4727 нави эса ўртатезпишар, 39,0 процент тола беради.

Республикамизда 1960 йилда пахтанинг 60 та нави, 1961 йилда эса 84 та нави синаб кўрилди. 1961 йилдан бошлаб КК—1543, 137—Ф, 5476—И навлари районлаштирилган навлар сафидан чиқарилди. С—1579, КК—2056, 147—Ф, 315—2 ва бошқа перспективасиз навларни экиш ва кўпайтириш мутлақо таъқиқланди. Шу йили республикамизда 108—Ф, 149—Ф, 138—Ф, С—450—555, С—4727, С—1622, КК—1083 ўрта-толали навлар ва С—6002, 5904—И ингичка толали навлар районлаштирилди.

Пахтанинг районлаштирилган навлари кўп, аммо улардан чиққан хомашё ҳали толанинг ассортименти жиҳатидан тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларини қондира олмаяпти.

Китобда пахтанинг 40 га яқин навига батафсил баён берилган ва районлаштирилган навларнинг хусусиятлари айтиб ўтилган. Китобхон селекционерларимиз томонидан 1960 йилда ўрганилган айрим навлар билан танишади. Бу навларнинг ҳар бири қаерда, ким томонидан ва қайси усулда яратилганлиги, қачондан бери синалаётганлиги, қачон районлаштирилганлиги, қанча майдонни эгаллаганлиги, пишиб етилиш муддати ва қанча узунликдаги тола бериши китобда аниқ баён этилган. Шунингдек навларнинг морфологик ва хўжалик-технологик хусусиятларига ҳам характеристика берib ўтилган.

Мисол учун С—8230 навига берилган баённи олиб кўрайлик. Бу нав ўртатезпишар бўлиб, 33 миллиметр узунликдаги тола беради. СоюзНИХИнинг марказий уруғчилик станциясида С—1225, 7427, С—15, С—4018 навларини бир-бирига чатиштириш йўли билан С—8230 нави яратилган. 1957 йилдан бери синалмоқда. Бу навдаги ғўзанинг ҳар бир чаноғидан 611 грамм пахта олинади, 37,0 процент тола чиқади.

С—8230 навининг морфологик хусусиятлари: кўчати ичхам, ўртача баландликда. 1 типдаги ҳосил шохларига эга, қўш кўсаклар жуда кўп бўлади. Барглари йирик. Кўсаги катта, тухумсимон кўринишда.

Бу навнинг хўжалик-технологик хусусиятлари: 1959 йилда 9 та нав участкасида синаб кўрилган ва хўжалик синовидан ўтказиш мақсадида 1-«Далварзин» совхозининг 300 гектар ерига экилган. 2—3 йиллик синовларнинг натижаси шуни кўрсатдики, С—8230 навида пахтадан ўртача 29,8 центнердан ҳосил олиш мумкин экан. Бу 108—Ф навининг ҳосилидан 21 процент камдир. Лекин 108—Ф навига қараганда 5 кун олдин пишади. Бу навнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у 108—Ф навидаги ғўзага нисбатан вилт билан кўпроқ касалланади, 0,5 процент кам тола чиқади, кўсагининг оғирлиги 0,4 грамм кам. Тошкент пахтачилик технологик лабораториясининг маълумотларига кўра ундан чиққан толанинг узунлиги 33,0 миллиметр, ингичкалиги 5378, чидамлилиги 4,3 грамм.

С — 8230 нави камҳосилли, паст сифатли тола беради. Бу нав пухта ўрганилди ва унинг истиқболи йўқ эканлигига қаноат ҳосил қилинди.

Китобнинг қолган қисмини республикамизда ўтказилган пахта навлари синовларининг натижаларини билдирувчи жадваллар эгаллаган. Бу жадвалларда нав қайси йилда синалгани, пахтанинг ҳосили, толанинг чиқиши, чигит экилганидан токи пахта пишиб етилгунигача бўлган муддат, кўсакнинг вазни, вилт билан касалланишнинг проценти, толанинг узунлиги, унинг чидамлилиги ва бошқа хусусиятлари аниқ кўрсатилган.

Китобнинг охирида айрим навлар бошқа навлар билан солиштирилади. Бу асарда бошқа жадваллар ҳам борки, уларда 1940—1959 йилларда синаб кўрилган ва районлаштирилган пахта навларининг, 1959 йилда республикамизда экилган навларнинг хусусиятлари, 1960 йилги экин майдони, пахта ҳосилдорлиги ва ҳоказолар кўрсатилган. Шунингдек 108—Ф навини характерловчи кўрсаткичлар, пахтанинг қайси навлари механизациялаштирилган теримга қулай эканлиги ҳам тушунарли мисолларда айтиб ўтилган.

«Ўзбекистонда пахтанинг навлари» китоби бевосита пахта навлари билан шуғулланувчи кишиларгагина эмас, балки пахтакорларга ҳам жуда катта ёрдам беради.

А. РЯБЦЕВ.

[1]) П. Галицинский, С. Демидов, М. Обухов, А. Самойлов, «Ўзбекистонда пахтанинг навлари». Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1962 йил. 219 бет. (рус тилида).

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

ОДОБ ВА ХУШМУОМАЛАЛИК— КИШИНИНГ ЗЕБУ-ЗИЙНАТИ

Коммунизм кишисини тарбиялаш темасида матбуотда кенг жамоатчиликнинг фикри, мунозара мулоҳазаси эълон қилинаётганлиги жуда муҳим ва қувончлидир. Чунки, КПССнинг тарихий XXII съезди қабул қилган давримизнинг буюк ҳужжати — партия Программасида ёшларни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш, уларда «... маънавий бойликни, ахлоқий софликни ва жисмоний камолатни...» тарбиялашдек муҳим вазифа қўйилган. Коммунизм қурувчи ёшларимиз ростгўй, виждонли, хушмуомала, содда ва камтар бўлишлари керак. Бу хислатлар совет ёшлари маънавий қиёфасининг ажралмас қисмидир.

Навқирон ёшларимиз кишига яхши хислат ва фазилат бахш этувчи, одамни одмилик даражасига кўтариб қўювчи имконият ва шарт-шароитлар одоб қоидаларига амал қилиш билан узвий боғлиқ эканлигини бир лаҳза ҳам унутмасликлари керак.

Замонамиз ва турмушимизнинг ўзи одоб ва хушмуомала каби ахлоқий қоидаларни бажариш ҳаёт учун зарурлигини тақозо қилади. Дарҳақиқат, кимки одоб ва хушмуомала каби ахлоқ қоидаларини бажаришга одатланмас экан, у бошқалар ҳурматини қозона олмайди, натижада кишилар назаридан тушиб қолади.

Одоб қоидалари ранг-баранг ва жуда кўп. Биз бу ўринда унинг айрим муҳим кўринишлари устидагина ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

«Одобли бола оламга манзур» деган халқ мақоли бечиз айтилмаган. Оламга манзур бўлиш учун яхши одатларни ёмон одатлардан ажрата билиш ва киши ўзига фақат яхши одатларни сингириб бориши лозим.

Яхши одатларнинг камтарликда, сезгирликда, ўзини тута билишда, шаънига доғ келтирмасликда ва одамларга ҳурмат билан қарашда акс этиши табиийдир. Одобли киши ҳар ерда ва ҳар қачон яхшилик қилади, бировга ёрдам беради, ўз манфаатини жамоат ва давлат манфаатидан юқори қўймайди.

Одобсизлик, қўполлик, шилқимлик, ахмоқона вайсаш, ноўрин қилиқлар одам учун ярамас одатлардир. Шунингдек, камтарликнинг етишмаслиги, ғердайишлик, эгоистлик, одамларга ҳурмат билан қарамаслик ҳам одобсизлик бўлиб, бу одатлар ўзгаларнинг ғашини келтиради ва нафратлантиради.

Маданиятлиликнинг маъноси жуда кенг. Кўпгина ёшларимиз мода билан кийинган, олифта кишиларнигина маданиятли деб тушунадилар. Улар суриштирмай ҳар хил мода кийимларни кийишга, бизнинг ахлоқимизга ёт бўлган айрим хатти-ҳаракатларни кўр-кўрона ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса ҳамма вақт ҳам бизнинг шароитимиз, талабимизга тўғри келавермайди. Байрам ва ўтиришларда ўрнига қараб кийиниш керак. Ишлаб чиқариш ёки ўқишга жуда ҳам оро бериб кийинган ҳолда келиш ярамайди. Чунки, кишининг маданияти фақат ташқи кўриниш билан эмас, балки ички маънавий қиёфаси, ахлоқи билан белгиланади.

Ҳамиша ҳам чиройли кийинган кишини одобли, маданиятли деб бўлмайди. Кишининг кўпчилик ўртасида ўзини тута билиши, бошқаларга муносабати, меҳнат ва ўқишдаги хулқи эса унинг маданий даражасини белгилайди.

Маданиятлиликда шахсий гигиена ҳам катта ўрин тутади. Баъзи ёшлар буни шахсий иш деб хато қиладилар. Яхши ювилмаган, соқоллари ўсиб кетган, сочи таралмаган, тоза бўлмаган ёқалар билан юриш шахсий иш бўлмай, бу кўпчиликка ҳурматсизликдир.

Маданиятлилик ёки одоб нуқтаи назардан қараганда турли шароит учун қабул қилинган одатлар бор, кишилар унга амал қилиши керак. Масалан, бинонинг ичига киргандa устки кийимни кираверишда қолдириш керак. Аксинча, агар сиз бинонинг ичида пальто, плащ, кепка, галош ва бошқа устки кийим билан юрсангиз, одобсизлик қилган бўласиз. Шунингдек кино, театр, трамвай, троллейбус, автобусларда юрганда бошқаларнинг тинчлигини ва кайфиятини бузмаслик керак. Бу ерларда қаттиқ кулиш, шовкин солиш, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни баланд овоз билан айтиш маданиятсизликдир.

Киши ахлоқий қиёфасининг ташқи ифодаси унинг нутқ маданиятини канчалиқ эгаллаганлигига боғлиқдир. Кишининг одоб билан сўзлаши унинг фақат ўқимишлилигинигина эмас, балки ақлли ва маданиятлилигидан ҳам дарак беради. Бундай одам биринчи сўзлашидаёқ кишиларни ўзига жалб қилади. Аксинча, қўпол сўзлар ишлатувчи, ҳар бир сўзида қоқилувчи, тўкиб-сочиб ёки чала-чулпа гапирувчи одам ўзига нисбатан бошқаларда муҳаббат уйғота олмайди, аксинча, ёмон таассурот қолдиради.

Машҳур совет педагоги А. С. Макаренко ёшларда яхши ахлоқий одатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берган. У ҳар бир тарбияланувчисини ўзини ҳушёр, ва ўз шаънига муносиб тутишлишга чақирарди.

Хушмуомалали киши ўз нутқида «марҳамат», «кечирасиз», «раҳмат», «саломат бўлинг», «авф этасиз», «миннатдорман», «айбга қўшмайсиз», «ташаккур билдираман» каби сўзлардан ҳам ўринли фойдаланиши лозим. Хушмуомалалиқ биров билан сўзлашганда шангиллаб юбормасликни талаб қилади. Бақириш кишини ҳақоратлайди ёки бўлмаса, тингловчига бўлган ҳурматсизликни, менсимасликни билдиради. Кишиларга нисбатан ҳушёрлик, хушмуомалалик билан мурожаат қилиш мулойимликни туғдиради. Мулойим одам ўзи ҳар қандай қўполликнинг олдини олишга, одамларнинг кайфиятини бузувчи сўзларни ишлатмасликка ҳаракат қилади.

Баъзан йигит ва қизлар ўзлари билан ишлаётган, алоқадор ўқитувчилар, хизматчилар билангина саломлашадилар. Масалан, жуда кўп вақт баъзи студентларнинг индамай, серрайиб бетингизга қараб кетаётганини кўрасиз. Ёки илгари индамай бефарқ бўлган студент бирдан сизни ортиқча ҳурмат қила бошлайди. Бу, ўтакетган одобсизликдир.

Баъзи кишилар бир кунда неча марта саломлашиш керак, деб сўрайдилар. Бизнингча, бир марта саломлашишнинг ўзи кифоя. Кейинги учрашувларда ўрнига, шароитга қараб мулойимроқ қараш, йўл бериш, суҳбатлашиб турганингизда кўрсангиз, ҳолатингизни ўзгартириб қарши олиш ва бошқалар етарлидир. Ўз тенгдошингиз билан учрашганда яна ўрнига қараб иш қилиш керак.

Ҳар бир йигит-қиз ўз ҳаракатларини ахлоқ, одоб талабларига мувофиқ бўлишига интилиши биринчи қараганда яхшига ўхшаб кўринган юриш-туриш ва бошқа нарсаларга кўр-кўрона тақлид қилиш ярамайди. Биз одоб ва хушмуомалалик қоидаларини бажарган одамнигина қақиқий одобли киши деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, кишининг ахлоқи ва маданий хулқи унинг шахсий гигиенага риоя қилиши, одоб ва ҳурмат сақлаши, кўпчилик ичида ўзини тута билиши, хушмуомалалиги ва ҳоказолар билан белгиланади.

С. ТЕМУРОВА,
Ш. КОЕНОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчилари.

Саломатлик паркида.
А. Палехов фотоси.

МАКТАБ-ЛАГЕРЬ

Мактабнинг баҳаво ҳовлисида.

Кечагина китоб-дафтар қўлтиқлаб, ўқиш билан банд бўлган ўғил-қизларни бугун ҳам жонажон мактабларида учратасиз. Улар каникулни шу ернинг ўзида очилган пионер лагерида ўтказишмоқда.

Мактаб лагери ҳамма пионер лагерларидек салқин, баҳаво, Ҳовлида болалар ўйнаб, дам оладиган беседкалар, айвон, шийпонлар қурилган. Шахмат-шашка, теннис, биллиард, волейбол ўйнаш учун махсус жойлар ажратилган. Мактаб ёнидан оқадиган муздек сувни айтмайсизми. Қисқаси, мактаб лагери шаҳар атроф пионер лагерларидан қолишмайди.

Лагерни қуриш ва уни зарур анжомлар билан жиҳозлашда мактабни оталикка олган ташкилот — «Узоргазнефтегаз» коллективи катта ёрдам берди. Территорияни текислаш, қуриш ишларида мактаб ўқувчиларининг хизмати ҳам чакки бўлмади. 7- синф ўқувчиси ҳаваскор рассом Пўлат Носиров чиройли расмлар, безаклар ишлаб берди.

Мактабни лагерга айлантириш учун синфлардаги парталар ўрнига юмшоқ кроватлар киритилди. Ёндаги янги тушган бинонинг иккинчи қаватидаги катта залга ошхона жойлаштирилди. Болалар ҳозир бу ерда кунига икки марта овқатланишади.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 40- мактабда очилган лагерь 1- июндан ишлай бошлади. Ҳозир лагерда 2—3—4 синф ўқувчиларидан 155 бола дам оляпти. Улар кунни қизиқарли ва жуда мазмунли ўтказишаётир. Массовик Акмалхон Сўфихонов, физкультура раҳбари Сайфуллин, кутубхоначи Серебрякова ўртоқлар эрталабдан кечгача болалар хизматида.

— Ўқувчиларнинг дам олиши мазмунли ўтсин учун хилма-хил оммавий тадбирлар белгилаганмиз, — дейди лагерь бошлиғи ўртоқ О. Орифхўжаев. — Тошкент денгизига, Қорақамишга, 1- типографияга экскурсия қилиш, кино-театрларга, паркларга бориш, ишлаб чиқариш илғорлари, кенса революционерлар билан учрашувлар ўтказишни мўлжаллаб қўйганмиз.

С. МУСАЕВ.

ПИОНЕР ЁЗИ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

Ойнадек ярақлатиб супирилган кенг ҳовлига киришингиз билан қуюқ дарахтлар соясидаги беседкаларда қувнаб ўйнаётган болаларга кўзингиз тушади. Мана, бир отряднинг пионерлари қизиқарли китоблар ўқишмоқда, иккинчи тарафда эса шахмат-шашка ишқибозлари ўйинга берилишган. Каштачи қизлар эса дугоналари билан чақ-чақлашиб ўтириб чиройли чок тикишарди. Бу жой Тошкентдаги 119-мактабда ташкил этилган пионерлар лагеридир. Лагерда 119-мактаб ўқувчиларидан ташқари 134-159 ва 28-мактаб пионерлари ҳам ёзги каникулни хушчақчақ ўтказадилар. Лагерда ўнга яқин турли тўгараклар ишлаб туради. Тарбиячилардан Файзиева, Ахророва, Маламуд ўртоқлар болаларнинг кўнгилли дам олишини таъминлашмоқдалар.

М. УСМОНОВА.

* * *

Оржоникидзе районидаги 5-мактабда ҳар йили ёзги каникул мавсумида пионерлар лагери ташкил этилади. Бу йил ҳам мактаб ўқувчилари ўзларининг лагерларида қувнаб дам оладилар. Мактабнинг кўкаламзор боғи болаларнинг яхши дам олишлари учун керакли асбоблар билан жиҳозланган, ухлаш учун кроватлар қўйилган, овқатланиш павильони ишлаб турибди. Лагерда пионерлар зерикиш нима эканлигини билмайдилар. Чунки кун бўйи ўйин-кулги, турли тўгаракларда машғулотлар ўтказиб турилади, сўнгра мириқиб ухлайдилар. Лагерда пионер вожатийлари, тарбиячилар болаларнинг қувноқ дам олиши учун кунлик график тузиб олганлар. Республика ёш тамошабинлар ва кўғирчоқ театрлари артистлари пионерларнинг меҳмони бўлиб турадилар.

Лагерда бу мавсумда 150 бола дам олади.

А. ШОМИРЗАЕВ.

Бу палаталарда болалар мириқиб ухлашади.
А. Абалин фотолари.

Савдо ходимлари отряди

«Чирчикторг» Тошкент область савдо ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш курси ташкил қилди. Бу курсда 50 ўзбек хотин-қизлари билим олди. Улар икки ой давомида савдо ишлари билан пухта танишиб чиқдилар.

Яқинда курс тингловчилари машғулотларни тугатиб область шаҳарларларига ишга жўнаб кетдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Қишлоқ спортчилари стартда

Кечагина Ўзбекистон шаҳарлари иккинчи спартакиадаси тугади. Спорт ишкибозлари қизғин олишувларнинг гувоҳи бўлдилар. Бу мусобақада қўлга киритилган муваффақиятлар, рекордлар ва камчиликлар ҳақидаги мулоҳаралар тугамасданоқ Тошкент область қишлоқ спортчилари стартга чиқдилар.

12 июнда пойтахтимиздаги «Спартак» стадионида область спартакиадасининг байроғи кўтарилди. Шуниси характерлики, спартакиада программасига киритилган спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар колхоз ва совхоз спорт базаларида бўлади. Янгийўл, Сирдарё, Янгиер, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва Гулистоннинг эркин классик курашчилари Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида мусобақани бошлаб юборишдилар. Волейболчилар, оғир атлетикачилар, чавандозлар, курашчилар, шахматчилар ҳам ўз маҳоратларини район марказларида, колхоз ва совхоз спорт базаларида қишлоқ спорт ишқибозлари олдида намойиш қиладилар. Фақат енгил атлетика мусобақаларигина Тошкент «Спартак» стадионида ўтказилади.

Область спартакиадасининг ғолиблари июнь ойи охирида бўладиган «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг республика спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини оладилар.

Қишлоқ спортчилари спартакиадаси 1963 йил Москвада бўладиган СССР халқлари III спартакиадаси олдидан катта имтиҳондир.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Акробатлар мусобақаси

Пойтахтимизда акробатика бўйича Ўзбекистон ССР шахсий команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақа кейинги йилларда республикамизда спортнинг бу тури бўйича жиддий муваффақиятлар қўлга киритилганлигини кўрсатди: акробатика бўйича спорт мастерлари сафига янги кишилар қўшилди.

Мусобақада Т. Юзбошев СССР спорт мастери деган шарафли номни олишга муваффақ бўлди. Ёш акробатлардан Раҳмат Ҳасанов ва Юсуфжон Ирисматовлар биринчи марта спорт мастери нормасини бажардилар.

Команда ҳисобида Тошкентнинг биринчи командаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни пойтахтнинг иккинчи командаси, учинчи ўринни эса Андижон область акробатлари эгаллади. Шахсий биринчиликда ёшлар ўртасида В. Горина, Р. Хайрулин, катталар ўртасида Р. Исомов, Н. Кобелева ғолиб чиқиб, республика чемпиони деган шарафли номга эга бўлдилар. Ғалаш жуфтда З. Кричевская ва В. Монсеевлар чемпион номини олдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, бир қатор жамиятлар акробатика спортига эътибор бермай келяпти. «Пахтакор», «Спартак», «Динамо», «Локомотив» каби кўнгилли жамият вакилларини мусобақаларда учратмайсиз. Шаҳар спорт мактаби ва олий ўқув юртларида спортнинг бу қизиқарли тури кенг йўлга қўйилиши керак.

И. ЮСУПОВ,
спорт судьяси.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво булутли бўлиб, ўзгариб туради. Тоғ атрофи ва тоғлик районларнинг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тошкентда эрталаб 12—14, областда 11—16 даража иссиқ бўлади. Бугун кундузи Тошкентда 27—29, областда 27—32 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ҲАВО БЮРОСИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР

13 ИЮНДА

Ўзбек тилида: 18.30 — Ғунча телевизион журнали, 19.25 — Телевизион янгиликлар, 19.40 — Концерт (камер куйлари).

Рус тилида: 20.10 — Олимлар лабораториясида (телевизион очерк), 20.25 — Телевизион янгиликлар, 20.40 — Таниқли совет рассоми М. Б. Греков (Совет Армияси жангчилари учун), 21.10 — Қаршилик муқаддимаси номли корейс киноповести.

Театр

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — Охунбобоев номли Андижон область муздрама ва комедия театри гастроллари—13/VI да Виждон, 14/VI да Лайли ва Мажнун. Кеч соат 8 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VI да Тошболта ошиқ, 14/VI да Ғазал фожнаси.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА:

Рокко ва унинг биродарлари (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

30 йил тўлган кунда — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

1) Саҳнанинг нариги томонида — Америка, 2) Тунги пассажир — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(сеанслар кеч соат 9 ва 10 яримда)

Бизнинг кўча — «ОКТЯБРЬ».

Рокко ва унинг биродарлари — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

«30 йил тўлган кунда — ТЕЛЬМАН номли.

1) Саҳнанинг нариги томонида — Америка, 2) Тунги пассажир (кеч соат 9 да), **«Гляйвиц» операцияси** (кеч 10 яримда) — ПУШКИН номли.

Пласа Уникуль — «УДАРНИК».
713-қўнмоқчи — «ПОБЕДА».

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ
оқтепа массивида
маиший хизмат кўрсатувчи
КОМБИНАТ ОЧДИ
Комбинатда: кийимлар тикилади ва ремонт қилинади, капрон пайпоқлар тузатилади, соат, радиоприёмник ва телевизорлар, шунингдек пойафзал ремонт қилинади, қимёвий усулда кийим тозаланади ва бўялади. Эркак ва хотин-қиз сартарошликлари ҳамда фотография очилган.

Халқ сайили

Оқшом чўкиши билан ҳордиқ олувчилар А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғига аста оқиб келабошлади. Боғ ҳар кунгидан ҳам кўркам, серфайз. Бир томондан карнай, сурнай, ноғора, чилдирмаларнинг оҳанграбо қуйи эшитилса, иккинчи томондан духовой оркестрнинг нозик вальс музикаси боғаро таралди. Турли рангдаги лампочкалар боғ ҳуснига ҳусн қўшган. Аллеяларда Охунбоев номли шаҳар маданият уйи, «8 март» номли бадиий каштачилик фабрикаси каштачи қизларининг нафис кашталаридан. Октябрь район маданият уйи бичиш-тикиш I йиллик курси қатнашчиларининг тиккан ишларидан кўргазмалар ташкил этилган.

Боғда ўйин-кулги бошланади. Очиқ эстрада биносида тўқимачилар маданият саройининг ҳаваскорлари озарбайжонча «Веш сўмлик келин» спектаклини намойиш қиладилар. Боғнинг очиқ саҳнасида эса район маданият уйи, маданий оқартув техникуми, «Шарқ гули» фабрикаси, Комсомол қўли бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳамда татар-бошқирд ансамбли томонидан катта концерт кўрсатилди. Тантана финалида ёш паҳлавон Фатхилла Лутфиллаев ўзининг қийин ва оғир номерларини чаққонлик билан бажариб, сайилга келганларни ҳаяжон ва шодликка ғарқ этди. Яқинда А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган халқ сайили санъат сайилига, моҳирлик ва талантлар кўригига айланиб кетди.

А. ЮСУПОВ.

Москваликлар Тошкент артистларини олқишлаб кутиб олмоқдалар

МОСКВА, 11 июнь. (ЎзТАГ махсус мухбири Е. Ефимов). Ўн икки мингдан кўпроқ томошабин Максим Горький номли Тошкент рус драма театри спектакларини кўриш учун Кремль театрида ҳозир бўлди. Москвиклар «Бўш қалб тарихи», «Гамлет», «Вафодорлик», «Майсаранинг иши», «Тарбияси бузуқ бола» спектаклларини самимий кутиб олдилар.

Ижодкор коллектив бугун Маяковский номли театр биносида «Бўш қалб тарихи» спектакли билан ўз чиқишларини бошлаб юборди.

Тошкент театрининг спектакларига қизиқиш жуда катта бўлганлиги сабабли, илгари белгиланган программани кенгайтиришга тўғри келди. Спектакллар пойтахтнинг яна бир саҳнасида — Малий театрда ҳам кўрсатилади.

Пойтахтдаги ва Москва областининг шаҳарларидаги ишчи клубларида театр артистларининг чиқишлари бошланди.

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Д Ў Л

Атмосфера ёғинларининг турлича кўринишларидан бири — дўл кўпинча момақалдироқли жалалар, сел ҳосил қилувчи интенсив ёмғирлар пайтида, йилнинг илиқ вақтларида ёғади. Дўл кўп ҳаво оқимларининг юқорига қараб бирдан кўтарилишидан ҳосил бўлади. Бундай пайтда ҳаво оқимлари ўзи билан сув парларини 5—6 километр баландликкача (ҳаво қатламлари орасидаги вертикал алмашиниш жуда ҳам кучли бўлганда) кўтариб чиқиши мумкин. Юқорида эса, маълум баландликдан бошлаб температура нулдан паст бўлади. Ана шу қатламда ҳаво оқимидаги сув томчилари муз парчаларига айланади ва оғирлиги ортиб кетгач, пастга қараб тушабошлайди, унга яна муз кристаллари ёпишиб йириклашади.

Дўлни қўлимизга олиб қарасак, унинг нотўғри шаклда эканлигини (баъзилари жуда ҳам думалоқ бўлиши мумкин), синдириб эса, қават-қават музлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Муз қаватининг оз-кўп бўлиши музлаган муз парчасининг температураси манфий ва мусбат бўлган зонани (0° ли зонани) неча бор қайта-қайта кесиб ўтганлигига боғлиқ. Юқорига олиб чиқилган сув томчиси қанчалик кўп погоналарни босиб ўтса, унинг муз қатлами шунча кўп ва қалин бўлади.

Аввало дўл ядроси (жуда майда қор кристали) ўта совуқ сув томчиси билан биринчи учрашиб ҳосил бўлади. Кейинчалик эса, бу муз парчаси юқорига чиқиб борар экан ҳавонинг совуши натижасида ва конденсация (ўзига сув томчиларини бириктириб олиш) орқали ҳар гал ўз қаватини, масса ва ҳажмини орттиради. Дўлнинг баъзи доналари каптар ёки товуқ тухумидек бўлиши ҳам мумкин.

Дўл асосан Кавказ, Ғарбий ва Марказий Украина ҳамда Ўзбекистоннинг баъзи областларида анча кенг тарқалган. Дўл баъзан жуда катта зиён келтириши мумкин. У маданий ўсимликларни, томорқа, боғ, ўтларни, ҳатто майда, ғоҳ-ғоҳ катта жониворларни, паррандаларни қийратиб кетади.

Бу йил Ўзбекистоннинг Самарқанд, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент областларининг баъзи жойларида дўл ёғиб ўтди. Кўпинча дўл жалалар билан бирга ўтади, сел ҳосил бўлади. Самарқанд областининг Фориш район Карабдол қишлоғидаги Катта-сой ҳавзасида шундай сел билан бирга дўл ҳам бўлиб ўтди. Дўл чорак соатдан кам давом этди, сел ҳосил қилган жала уч соатча давом қилди. Бундай ҳодиса ерли қарияларнинг сўзи бўйича 40 йил олдин бўлган экан. Бу ерда ҳатто жуни олинган қўйлар ҳам талафот кўрган, экинларга зиён етган.

Дўлдан экинларга келадиган зиён унинг ёғиш интенсивлиги, давом этиши, донасининг катталиги, шамол кучи, ёмғирнинг шиддати ҳамда ўсимликнинг тури, ривожланиш фазасига боғлиқ. Ҳозирги кунларда экинларнинг кўпчилиги шундай фазадаки, уларнинг дўлга қаршилиги жуда оз.

Дўл Ўзбекистонда асосан баҳорнинг охири ва ёзнинг бошларида ғўза, ток ва боғларга, сабзавот ва полизларга ҳамда доли экинларга зиён келтириб туради. Дўл кўпроқ кундуз куни соат 12 —18лар оралиғида, қисқа муддат (чорак соатдан кам) давомида, узун (баъзан 1000 км гача), лекин унча кенг бўлмаган (10—15 км) йўл бўйича, зона сифатида ёғиб ўтади. Шу сабабли бир жойда бўлган дўл қўшни қишлоқда бўлмаслиги мумкин.

Демак, дўл баъзан деҳқонларимиз учун катта зиён келтириши мумкин экан. Дўлнинг олдини олиш учун махсус тажрибалар олиб борилмоқда. Бу иш авиация ёрдамида вертикал ҳаво ривожланишини махсус химик дорилар ёрдамида тўхтатиш билан амалга оширилиши мумкин, бу йил Закавказьеда 30 минг гектарли майдонда синаб кўрилиб, яхши натижалар берди. Дўл кишилик заковати олдида тиз чўкмоқда. Яқин йилларда ана шу химик дорилар ёрдамида Ўзбекистонда зиён келтираётган дўлнинг олдини олиш имкони туғилади.

Ҳозирча, СССРда дўлга қарши страхование ўтказилади.

А. РАЗЗОҚОВ,
ТошДУ гидрология кафедрасининг дипломанти.

ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАРОРИ

Нўъмонтўра Расулев текин пулнинг қушандаси, ишламай тишлашда ўнча-мунча одамни орқада қолдириб кетади. Шу хислати учун Калинин районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Қуйбишев участкасида яшовчилар уни «текинхўр» деб аташади. Нўъмонтўрага колхоз ишидан сира оғиз очиб кўрманг, чунки у кишининг иштиҳаси тутади. Текин пулдан гапирсангиз борми, ўзини томдан ташлайди, оғзининг таноби қочади. Бу текинхўр колхознинг ери ва сувидан фойдаланса ҳам, лекин коллектив хўжалик ишидан доим узоқда юради.

Расулевни колхоз раҳбарлари ва Юнусобод қишлоқ Советининг депутатлари бир неча марта огоҳлантирган эдилар. Лекин у бундан тегишли хулоса чиқармади. Нўъмонтўра Қозоғистоннинг Сариоғоч районидаги «Красний Восток» колхозидан ер олиб, ўз манфаати учун сабзи ва картошка экди. Бунинг устига ўша ерлардан арзон-гаровга картошка, сабзавот сотиб олиб, шаҳар бозорларида чайқовчиликни авж олдирди. Унинг бу касали 24 ёшли ўғли Ҳасан, келини Ҳадича ва сингласи Ҳамидага ҳам юқди. Улар иҳтиёрий-ҳаётий меҳнат билан шуғулланиб жамиятга фойда етказиш ўрнига, ўз чўнтакларини бойитиш пайига тушиб кетдилар.

Колхоз аъзолари ишламай тишлаётган бундай текинхўрларга ортиқ тоқат қилиб туролмадилар. А. Бўриев, С. Иброҳимов каби активлар ва район милиция бўлимининг ходими З. Зияев ўртоқлардан иборат комиссия тузилиб, текинхўрларнинг томорқа ери қирқилди. Уйларидан чиққан кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: 6 қоп писта, 655 килограмм мош, 2 тонна сабзи, 9 тонна картошка ва 5 қоп селитра колхоз ҳисобига ўтказилди.

Комиссия аъзолари текинхўр Н. Расулев ишини судга топширдилар ва суддан меҳнаткашлар илтимосига кўра уни 5 йил муддат билан колхоз территориясидан чиқариб юборишни сўрадилар.

Ҳозир колхоз раҳбарлари, актив комсомоллар хўжалигининг ҳамма участкаларида коллектив меҳнатидан бўйинтовловчи, жамият учун зарарли текинхўрларча кун кечирувчи шахсларга қарши курашни кучайтириб юбордилар.

З. КАРИМОВ,
Ш. ЮСУПОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 13 ИЮНЬ, 1962 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885 Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 2633-1, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. 02172. Нашр. Г. 1612.